Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 20 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 88 (6785)

Даъват

Кимки ўрганишни
Уят, ор демас.
Сувдан дур топади,
Тошдан лаъл, олмос.

НИЗОМИЙ

Ибрат

Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Урганч шаҳрида банк коллежи очилди. Коллеж учун иккита бино ажратилди. 100 ўқувчини ўз бағрига олган мазкур ўқув масканида ўқувчилар банк тизимини чуқур ўрганишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил 27 августдаги Фармонига мувофиқ шу йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси анъанавий қўшиқ байрами ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ва «Ўзтелерадио» компанияси ҳар йили республика қўшиқ байрамини ўтказиши таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг таркиби, қўшиқ байрами тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ташкилий қўмита раисига Республика ҳайъати таркибини тасдиқлаш, ҳар йили қайта кўриб чиқиш ва аъзоларини алмаштириш ҳуқуқи берилди. Қарорда таъкидландики, ташкилий қўмита ушбу тадбирни «Ўзбекистон — ватаним маним» гоясини мадҳ этувчи, бунёдкор, меҳнаткаш халқимизни улуғловчи, инсонлар қалбида муқаддас ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш туйғуларини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқлар байрами сифатида ўтказиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойларда қўшиқ кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари ва тегишли ҳокимларнинг ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ўзларига қарашли ташкилотларнинг саралаш кўрик-танловларини мустақил ўтказадилар. Сарф-харажатлар ички маблағлар ҳисобига қопланади.

«Маҳалла», «Наврўз», «Камолот», «Олтин мерос», «Амир Темур» жамғармаларининг Республика қўшиқ байрамининг алоҳида қатнашчиларини тақдирлаш учун махсус совринлар ва пул мукофотлари таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

«Ўзтелерадио» компанияси, газеталар ва журналлар таҳририятларига қўшиқ байрами тадбирларини кенг ёритиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги кўрик-танлов ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, реклама маҳсулотлари, совринлар, дипломлар ва нишонлар тайёрлаш, кўрик-танловни ўтказиш харажатларини қоплаш учун ҳар йили зарур маблағ ажратади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловларни, байрамни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар, шунингдек, Республика якунловчи танлови қатнашчиларининг сафар харажатлари маҳаллий бюджет ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

(ЎзА).

ҚЎШИҚ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Низомда Ўзбекистон қўшиқ байрами келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳридарё халқни мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб авайлаш туйғуларини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имкон туғдириш мақсадида ўтказилиши қайд этилган.

Байрам доирасида ҳар йили икки босқичда қўшиқ кўрик-танлови ўтказилади.

Кўрик-танловнинг биринчи саралаш босқичи Республика ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Кўрик-танловда қатнашишга туман ташкилотлари ва алоҳида ижрочиларнинг тавсия-буюртманомалари бўйича профессионал, ҳаваскорлик бадиий жамоалари, ансамблар ва якка ижрочилар, шунингдек, болалар боғчалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, ҳарбий қисмларнинг жамоалари, хорижий ижодий жамоалар ва якка ижрочилар қўйиладилар.

Кўрик-танлов қатнашчиларининг ижро маҳоратини баҳолаш учун тегишли ташкилий қўмиталар етакчи санъат ва маданият ходимларидан иборат ҳайъат ташкил этадилар.

Низомда таъкидланишича, қўшиқ мусиқасининг ўзига хослиги, матнининг янгилиги, маз-мундорлиги, ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат ғояларини бадиий юксак савияда акс эттириши — баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади. Ҳайъат кўрик-танлов шартларига тўла жавоб берадиган қўшиқлар тақдим этилмаган ҳолларда айрим мукофотларни бермаслик ҳуқуқига эгадир. Ҳайъатнинг қарори узил-кесил ҳисобланади ҳамда қайта кўриб чиқилмайди.

Кўрик-танлов қатнашчилари ташкилий қўмиталарга исталган жанр йўналишидаги, танловнинг мавзу шартларига жавоб берадиган фақат янги қўшиқларни тақдим этишлари зарур. Айни вақтда янги қўшиқларнинг матн материали мумтоз шоирларнинг шеърий материалларига ҳам, ўзбек шоирларининг замонавий шеърий асарларига ҳам асосланиши мумкин.

Қўшиқ кўрик-танлови туман, шаҳар ғолиблари (биринчи — учинчи ўрин) вилоят, қорақалпоғистон республикаси кўрик-танловида.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлови ғолиблари (биринчи — учинчи ўрин) Республика қўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичида қатнашади.

Саралаш кўрик-танловини ўтказиш тартибига кўра, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ўзларига қарашли ташкилотларнинг саралаш кўрик-танловларини мустақил ўтказадилар, қўшиқлар кўрик-танлови қатнашчилари тўғрисидаги низомга мувофиқ ғолибларни республика қўшиқлар кўрик-танловига умумий асосларда тавсия этадилар.

Шунингдек, Низомда «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасига барча профессионал мусиқа жамоалари ва Тошкент шаҳрида яшовчи алоҳида ижрочиларнинг саралаш кўрик-танловини мустақил ўтказиш ҳуқуқи берилган.

Кўрик-танловнинг 2-якунловчи босқичи Тошкент шаҳрида бўлади.

Республика қўшиқлар кўрик-танлови совриндорлари ва қатнашчиларининг якунловчи концерти ҳар йили қўшиқ байрами кунида, август ойининг учинчи якшанбасида ўтказилади.

Низомда Республика қўшиқлар кўрик-танлови ғолибларига бериладиган мукофотлар ҳам белгиланган.

Биринчи ўрин учун — энг кам иш ҳақининг 110 баравари миқдорида,

Иккинчи ўрин учун (учта) — энг кам иш ҳақининг 80 баравари миқдорида,

Учинчи ўрин учун (учта) — энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида

ҳамда энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорида рағбатлантирувчи мукофотлар (учта) таъсис этилди.

Ҳайъат қўшиқлар кўрик-танлови қатнашчиларига фахрий ёрлиқлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар ва ҳоказолар танлов қатнашчилари учун махсус совринлар таъсис этишлари мумкин, улар ҳайъатнинг қарорига кўра топширилади.

Республика қўшиқлар кўрик-танлови ташкилий қўмитаси танлов тамом бўлгандан кейин танлов совриндорлари ва иштирокчиларининг хайрия концертларини ўтказади.

(ЎзА).

Тошкент шаҳрида жойлашган 276-ўрта мактаб жамоаси болаларда ёшликдан меҳнатга қўникма ҳосил қилиш учун ҳаракат қиладилар. Бошланғич синф муаллимаси Эркиной Ҳамдамова ҳам ўз ўқувчиларининг эпли ва уддабурон бўлишларини истайди. I -«А» синф ўқувчилари эса, суратда кўриб турганингиздек, ўз муаллималарининг ҳар бир қўл ҳаракатини илғаб олиш учун завқ ва диққат билан кузатишади.

Суратказ: Р. Альбеков.

КУН ТАРТИБИДА — ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Мамлакатимизда 58 олий, 250 дан зиёд ўрта махсус ўқув юртлари, 9 мингдан кўпроқ мактаб, лицей, гимназия фаолият кўрсатмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда таълим жараёнининг турли босқичларига мансуб билим масканлари ўртасидаги узвий боғлиқликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш долзарб вазифалардан биридир.

18 ноябрь куни Тошкентда иш бошлаган «Узлуксиз таълим ва ўтиш даврида меҳнат бозорини шакллантириш» мавзуидаги халқаро ҳамкорлик конференцияси ана шу масалага бағишланди. Европа Таълим жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил этган бу анжуманда ўнга яқин хорижий мамлакатдан вакиллар иштирок этмоқда. Конференция қатнашчилари икки кун давомида Европа мамлакатларида узлуксиз таълим тизими ютуқлари ва муаммолари билан танишадилар, бу борадаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қиладилар.

Анжуманда сўзга чиққан Европа Таълим жамғармасининг директори Питер де Роой жамғарманинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолияти, миллий кузатув бўлимларини ташкил этиш, миллий семинарлар ўтказиш, ходимларни қайта тайёрлаш масалалари хусусида сўз юритди.

(ЎзА).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● 18 ноябрь куни Э. Халилов раислигида бўлиб ўтган Олий Мажлис кенгашининг навбатдаги мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва давлат бюджетининг 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари қараб чиқилди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти келиштирув ва ҳакамлик (АРБИТРАЖ) судининг халқаро семинари бўлди. Унда кўпчилик хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

● Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини тузиш бўйича ташаббускор гуруҳ мажлиси бўлиб ўтди. Бу жамғарма ногиронлар ва бошқа нафақадор қариялар турмуш шароитини, сиҳат-саломатлигини янада яхшилашни, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётда, айниқса ёшлар тарбиясида ҳам қатнашишларини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

● Буюк Британия Катарга 500 миллион фут стерлинг қийматга эга қуролярог етказиб бериш хусусида шу мамлакат билан битим тузди.

● Исроил билан музокаралар тугал ниҳояланмаган бир паллада Фаластин халқи ўз мамлакатларига мухторият берилганлигини нишонлашди. Исроил маъмури яна ўн беш минг фаластинликка Исроилда ишлашга рухсат берди.

● Юнонистонда 1973 йилнинг 17 ноябрида ҳарбий ҳунта қўшинлари мамлакатдаги ҳарбий диктатурани Америка қўллаб-қувватлаётганлигига норозилик билдириб намойишга чиққан талаба ва ишчиларни шафқатсиз дўппослашган эди. Ҳар йили ташкил этиладиган бу намойишнинг сўнгги йиллардагиси тинч-осойишта ўта бошлади.

● Ҳиндистон ҳукумати Россиядан 40 дона СУ—30 МК маркали қирувчи самолётлар сотиб олиш ва уларни ишлаб чиқариш лицензиясини олишга қарор қилди.

МАКТАБДА МИСР КУНИ

Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар, айниқса, маориф соҳасидаги алоқалар ривожланмоқда. Пойтахтдаги ўқувчиларга араб тилидан мукаммал сабоқ бериладиган 24-ўрта мактабда Миср кунлари байрами ўтказилди. Унда болалар Тошкентдаги Миср фан ва таълим маркази ташкил этган кўргазмани томоша қилди, араб усталари яратган халқ хунармандлиги намуналари, афсонавий фиръавнлар юрти ҳақида ҳикоя қилувчи расм ва китоблар билан танишди. Мисрлик меҳмонларга эса катта концерт намойиш этилди. Ўқувчиларнинг араб тилида янграган қўшиқ ва шеърлари, миллий анъаналаримизни акс эттирувчи чиқишлари уларда катта таассурот қолдирди

Ўзбекистон — Бельгия

«ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМ УЧУН КАШФ ҚИЛДИМ»

Бу кутилмаганда содир бўлди. Ўқитувчимиз аудиторияга кириб, «Бугун бельгиялик меҳмон билан учрашув бўлади, хоҳловчилар қатнашиши мумкин», —деди. Мен меҳмон ҳақида нималарнидир билмоқчи бўлиб, ушбу кечага киришга жазм этдим. Учрашув бошидаёқ вақтимни бекор сарф қилмаслигимга амин бўлдим.

Меҳмон ўзини камтарона Оурелия хоним деб таништирар экан, ҳозирда Бишкек миллий университетида немис тилидан дарс беришини ҳам илова қилиб ўтди. Бу эса мен учун айни муддао эди. Ахир Бельгия таълим тизими у ердаги ёшларни ўқишга муносабати, бошқалар ҳақида маълумот олиш ва Ўзбекистон билан муқояса этиш имконияти туғилганди-да! Бу эса газетхонларимизни ҳам қизиқтириши табиий, албатта.

Оурелия хоним эндигина 25 ёшни қаршилаб, илм излаб, сафарга чиққан олима аёллардан экан. Бельгияда консерваторияни тамомлаб, «Инглиз романтизмининг рус адабиётига таъсири» мавзусида илмий иш қилишга киришган. Севган машғулоти — китоб мутолаа қилиш. Бўш вақтларида эса отларни парвариш қилишни хуш кўради. Меҳмон билан танишганимдан сўнг ўзимни қизиқтирган саволлар билан у кишига мурожаат қилдим.

— Бельгиядаги таълим тизимининг ўзига хос томонлари нималардан иборат?

— Маълумки, Овропадаги олий ўқув юртлари деярли бир тизимга қурилган. Бельгия ҳам бундан мустасно эмас. Яъни юристлар ва медиклардан ташқари барча битирувчилар тўрт йилда диплом олишади. Юристлар беш йилда, медиклар эса саккиз йилда олий маълумотга эга бўлишади. Ёшлар бўш вақтларини жуда қадрлайдилар. Университетларда ҳафтасига 20 соат дарс ўтишса-да, улар доимо мутолаа билан банд бўлишади. Таъкидлаб ўтиш керак, бизда ҳоҳловчилар дарсларда қатнашмаслиги ҳам мумкин. Шуниси борки, дарсларни тўла ўзлаштиришлари шарт. Ўқитиш эса пуллик амалга оширилади. Ота-онаси ҳеч қаерда ишламайдиган талабаларга истисно тариқасида нафақа ажратилади.

— Талабаларнинг кутубхоналардан фойдаланиши қай аҳволда? Бельгия кутубхоналари ҳар доим ҳам талабалар билан гавжум бўладими?

— Шубҳасиз. Ахир китоб мутолаа қилмаган талабани қандай қилиб талаба дейиш мумкин. Бундан ташқари бельгиялик ёшлар ҳам, кексалар ҳам ахборот олишда газета ва журналларни биринчи ўринга қўйишади. Яъни бизда телевизор кўриш жуда ҳам чекланган. Бундан бельгияликлар вақтнинг қадрига қанчалик етишларини билиш мумкин. Чунки телевизор кўп ҳолларда вақтни ўғирлашга сабаб бўлади. Яна кутубхоналардан фойдаланишга келсак, бизда кутубхоналардан хоҳлаган киши фойдаланиши мумкин. Фақат китобларни белгиланган вақтда қайтариш шарт. Акс ҳолда ҳар кечиккан кун учун 10 франк миқдорида жарима белгиланган. Китобларни эса

(Давоми 2-бетда).

МАРС МЕҲМОНИ...

Яқин йилларда АҚШ, Япония ҳамда Россия ҳамкорлигида коинотга парвоз этувчи космик кемалар Марс сайёраси томон йўл олади. Олдинига олимлар космонавтларнинг қизил сайёрага сафар қилиш режаларини ҳам тузгандилар, бироқ бундай парвоз 500 мляр. долларни ташкил этганлиги сабабли АҚШ ҳукумати мақбул лойиҳани — роботларнинг учирилишини танлади...

ИНТЕРНЕТ INTERNET

ИТАЛИЯ ТУРМУШИДАН

Вақтингиз қандай ўтмоқда деган саволга италияликлар «Ченис» статистика агентлигидан жавоб олдилар. Миланликлар ўқиш ва ишга энг кўп — 6 соат вақтни сарф этсалар, римликлар кунига 3 соатни ўйин-кулги билан ўтказадилар. Бутун Италияда ҳар киши ўртача олганда спортга 15, ўқишга 18, телевизорга эса 2 соат кетказар экан. Умр ўтмоқдадир....

СИР ОЧИЛДИ

Лондондаги Империя коллежи ва табиий тарих музейининг олимлари динозаврларнинг йўқолиб кетиши сабабини топишибди. Юкотан ва Мексика ярим оролларида олиб борилган геологик тадқиқотларга асосланиб олимлар қуйидаги хулосага келдилар: бундан 65 млн. йил муқаддам ерга улкан астероид келиб урилган, натижада эса ҳалокатли — 10.000 водород бомбасининг кучига тенг бўлган портлаш юз берган.

ЭНГ ҚУДРАТЛИ, ЭНГ...

«Крэй T3E — 900» компьютери АҚШнинг «Силикон грэфикс инк» компанияси томонидан ишлаб чиқарилди. Мингдаб процессорлардан ибрат бу машина секундига триллион ҳисоб амалини бажара олади. Эндиликда замонавий компьютерлар 3-4 ойда аранг счиб улгураётган ҳисоб-китобларни «крэй» ёрдамида бир кунда ҳал этиш мумкин, унинг нархи 500.000 долларга баҳоланди.

«ЗИҒИРЛИ» АВТОМОБИЛЬ

Усимлик толаларининг саноатда фойдаланиш имкониятларини ўрганаётган британиялик олимлар зигир толасининг полипропилен билан бирикмасидан автомобиль кузови ясаш мумкин, деган тўхтамга келди. Ҳақиқатда ҳам зигир каби ўсимликлар толаси ишлатилган автомобилларнинг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда.

Янги турдаги ўқув муассасаларида

ТАШНАЛИК

Маънавият қай аҳволда? Маърифатга ташналик сўнаяптими? Ақл ва билим дурдоналари — китобга қизиқиш йўқолдими? — деб савол бера бошладик бир-биримизга. Ташвишланишимиз ўринлимикан? Саволдан савол туғилади. Кўпчилик якдил фикрга келиб қолди: маънавият жонланиши керак. Маърифатсиз келажакни яратиш ва кўриш қийин. Демак, бу эгизак тушунчаларнинг ҳаётдаги ифодаси ва маъноси тугал бўлмоғини таъминлаш даркор.

Лекин замонага тош отмайлик. У вақтнинг қурбони холос. Даврда нима айб? Назаримизда, маърифатга ташналик замонага боғлиқ эмас. Кўнгил маърифат истар экан, унга ҳамма замонларда йўл очиқ бўлган. Бунга улуғ алломаларимизнинг сиймоси, тарих зарварақлари гувоҳ.

Тошкент Давлат университети қошидаги лицей-интернат юртимиздаги нуфузли ўқув масканларидан. Бу ерга бориб кўрсангиз, ёшлар билим олишга қизиқмай қўйдилар, деган фикрдан халос бўласиз.

У 26 йилдирки, ўз бағрига иқтидорли ёшларни қабул қилиб келади. Учирма қилинганлар орасидан қанчалаб фан фидойилари етишиб чиқмади дейсиз? Лицей-интернат обрўси мисқоллаб йиғилган. Унинг ҳозирги ҳашаматли ва кўркам биносидан қанчадан қанча илмга ташна ёшлар қадам босишмади, баҳс-мунозара қилишмади, билмаганларини сўраб ўрганишмади дейсиз?

Ҳозирги вақтда лицей-интернатда чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилаётган фанлар 5 та. Математика, физика, химия, биология, иқтисодиёт. Дарс ва машғулотларни университетнинг малакали, илмий даражали ўқитувчилари олиб боришади. Лицейнинг оддий мактабдан фарқи ҳам шунда. Доктор ва профессорларнинг лекциясини тингланган ўқувчи, албатта, ўз дунёқарашининг ўсиши учун замин яратади.

Ҳўш, лицейга кимлар қабул қилинади? Унинг талаб ва тартиблари қандай?

Илм ўчоғи республика миқёсидаги турли вилоят ва туманларда умумтаълим мактабларининг 8-синфини битирган ўғил-қизларни ўз бағрига қабул қилиб олади. Қабул қилинган, икки-уч йилнинг бадалида обдон «пишитилган» ёшларнинг 90-95 фоизи нуфузли олий ўқув юртларига кириб кетишларига имкон бор.

Даъвогарларнинг алоҳида

(Давоми 2-бетда).

ЎТГАН КУНЛАР НАФАСИ БОР

Нишон тумани Талимаржон шаҳридаги Аҳмад Яссавий номидаги мактаб ўқитувчиларининг ташаббуси билан тарих музейи ташкил этилди. Музей юқори синф ўқувчилари қўмагида жозибали кўринишда жиҳозланди. Унинг кўргазмаларида ўтмишдан қолган ҳунармандчилик ва деҳқончилик буюмлари, миллий либослар яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари республикамиз тарихига оид ноёб китобларни ҳам шу жойдан топиш мумкин.

НИГОҲЛАР САҲНАДА ҚОЛДИ

Яқинда республика Маданият вазирлигига қарашли «Дийдор» болалар ва ўсмирлар театри жамоаси Бешариқ тумани мактабларида бўлиб, бир қатор спектакларни ўқувчиларга намойиш қилди. Айниқса, ўзбек халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган «Дугоналар» спектаклини ёш томошабинлар илиқ қарши олдилар. Шунингдек, мактаб ўқувчилари актёрлар билан жонли мулоқот ўтказиб, театр ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

МУАЛЛИФЛАР: F. ЁҚУБОВ, A. NAZAROV. Ф. ЭШҚУЛОВ, М. ҒАНИЕВА.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

БЎЁҚЛАР ҲАМ БОЙ ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини бадиий полотноларда акс эттириш учун рассомлар ўртасида кўрик — танлов эълон қилган эди. Танловда Қорақалпоғистон рассомлари ўзларининг 22 та расми билан иштирок этишди. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра рассом Борлиқбой Айтмуродовнинг «Амир Темур ҳарбий юриш олдидан» расми биринчи ўринни эгаллаб, 15 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, танловнинг 2 — ўрин соҳиби Ислом Алибеков 10 минг сўм, 3 — ўрин соҳиби Жўллибой Изентоев 7 минг сўм пул мукофотлари билан тақдирландилар.

FOYDALI UCHRASHUV

Yaqinda Toshkent davlat konservatoriyasida Movarounnahr musulmonlari diniy boshqarmasi raisining o'rinbosari Abdulaziz Mansur bilan talabalarning «Islom va san'at» mavzusida suhbati bo'lib o'tdi.

A. Mansur talabalarni qiziqtirgan savollarga j'avob berdi. Uchrashuvda institutning professor o'qituvchilari ham ishtirok etishdi.

Қонун ва ижро

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНАЯПМИЗ

Тасаввур қилинг, бир боғча ҳовлисида тарбиячи тандирда нон ёпяпти. «Боғчанинг ўз нонвойхонаси бор экан, бу яхши», деган хаёлга бордингиз. Лекин ундай эмас, чунки нон ёпаётган тарбиячининг атрофида жажжилар гирдикапалак бўлиб, унинг сўзларини тинглашади, рапида устига нон ёйишини томоша қилишади чуғурлашади. «Ҳа, энди тушундим. Тарбиячи болаларга нон ёпишни ўргатяпти-ку», дейсиз ишонч билан. Биз эса яна «йўқ ундай эмас» деймиз. Бошингиз қотдими? Биринчи марта қурганимизда тўғриси биз ҳам ҳайрон қолдик. Бу воқеа Чирчиқ шаҳридаги боғчаларнинг бирида бўлиб, нон тандирга ёпилиб, пишиб чиққач, тарбиячи болаларнинг ўзларига ўша заҳотиёқ бўрсилдоқ нонларни еб кўриш учун бераги яна алланарсаларни ўқдириб. Болалар ҳам чуғурлашиб-чуғурлашиб нонни тановул қиладилар...

Бу русийзабон боғчадаги ўзбек тили сабоғи. Бу дарс дегани эмас. Биласизми, бу нон ёзаётган русийзабон болакайлар қандай сўзларни ўрганишди: хамир, тандир, ўтин, рапида, нон, ёпди, пишди ва ҳоказо... Бу сўзларнинг айримларини, ҳатто ўзбек болалари ҳам билишмайди. Бу боғчадаги русийзабон болалар эса уларнинг номланиши билан бирга, дейлик рапиданинг вазифасини ҳам биладилар. Бу тарбиячининг ижодкорлиги, изланувчанлиги, ўз касбини севишидан дарак берувчи ҳулоса.

Янаям аниқроғи ўзбек тилини ўрганиш бўйича қилинаётган бу ҳайрли ишлар Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни татбиқ этиш бўйича республика Халқ таълими вазирлиги ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисида муҳокама этилди. Мазкур муҳокама «Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлимининг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабларида ўзбек тилининг ўқитилиши ҳақида» бўлди.

Чирчиқ шаҳар ХТБ мудири Мавжуда Ашурова қилинган ишлардан бири сифатида биз юқорида тасвирлаган ўзига хос ва шунга ўхшаш бошқа тажрибаларни видеога тушириб келишган экан, қурсатиб, тушунтириб беришди. Шунингдек, ўзлари ясаган қўплаб қурсатмали қўлланмаларни ҳам намойиш этишди. Ўз вақтида уларга бу тажрибаларни кенг қўллаш тавсия этилди.

Шу билан бирга ишчи гуруҳ аъзолари Чирчиқ шаҳар ХТБнинг бу борадаги ишларида йўл қўйилган айрим камчиликларни ҳам таъкидлашдики, бу бошқа туман ва шаҳар таълим тизими тарбиячи, ўқитувчиларида ҳам такрорланмаслиги керак. Жумладан, ишчи гуруҳ аъзоси Й. Абдуллаев қурсатмали қўлланмалардаги имло хатоларини, ишчи гуруҳ аъзоси Д. Шодиев бу фикрларни давом эттириб, русийзабон болаларга ҳар бир сўз бехато ўргатилиши керақлигини, йўқса бу нотўғриликни у умр бўйи такрорлаши мумкинлигини таъкидлади.

Умуман олганда, Чирчиқ шаҳридаги 26 та мактаб (4 таси ўзбек, 11 таси русийзабон, 5 таси русийзабон ва қозоқ, 4 таси русийзабон ва ўзбек, битта-си ўзбек, тожик ва русийзабон, 58 та мактабгача тарбия муассасаларида давлат тилини ўрганишга эътибор бериляпти.

Бу ҳақда ишчи гуруҳи раиси, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йулдош Саиджонов ҳам илғор иш тажрибаларни алоҳида таъкидлаб, уларни кенг тарғиб қилиш, камчиликларни бартараф этиш борасида батафсил гапирди.

Ҳ. ОМОНОВ.

«ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМ УЧУН КАШФ ҚИЛДИМ»

(Боши 1-бетда)

15-30 кун муддатга фойдаланиш учун олиш мумкин.

— Ўзбекистон билан ёки умуман марказий Осиё мамлакатлари билан Бельгияни қандай умумийлик ва фарқлик томонларини айта оласиз?

— Тўғриси, фарқ жуда катта. Албатта, буларнинг барчасини айтишга шахсан ожизлик қиламан. Чунки мен Марказий Осиёни тўла тушуниб етдим дея олмайман. Энг асосийси, шаҳарларнинг ажойиб табиати, яшиллик мени мафтун этди.

— Оиладан йироқда бўлишингизга ота-онангиз қандай қарашади?

— Биласизми, Европа оилаларида фарзанд улғайгач, ота-оналар уларни фикрига қарши турмайдилар. Бу Ғарб оилаларидаги доимий анъана. Шу маънода менинг бу диёрларга келишимга ҳам ота-онам тўсқинлик қилишмаган. Чунки бизнинг оила ҳам анъаналарни қадрлайди. Мисол учун акам Костарика шаҳрида математика муаллими, синглим Парижда адвокат бўлиб хизмат қилади.

— Бельгияда қайси тил давлат тили ҳисобланади?

— Бельгияда немис ва француз тиллари давлат тили ҳисобланади. Лекин бошқа тилларга ҳам эътибор кучли.

— Шахсан ўзингиз неча тилни биласиз?

— Албатта, француз ва немис тили, айтиб ўтганимдек, давлат тили. Бу тилларни ўрганиш мен учун зарур. Бундан ташқари отам немис, онам эса француз миллатига мансуб.

Суҳбатимиз давомида Оуреля хоним Ўзбекистон ҳақида бельгияликлар ҳали ончалик маълумотга эга эмасликларини таъкидлаб ўтди. Мен бунинг сабаби собиқ СССР давридаги марказдан бошқариш тизими деб топдим. Ахир ким билан, қаер билан мулоқотда бўлиш учун марказнинг тасдиғи керак эди-да. Шу сабаб ҳам биз жаҳондан узилиб қолдик. Бугун эса истиқлол шарофати билан яна жаҳонга юз очмоқдамиз. Бу ишларнинг бошида юртбошимиз И. Каримовнинг меҳнатларини таъкидлаш ўринлидир. Шу маънода вақти келиб бельгияликлар Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақида кўп ва хўб билишади. Чунки юртбошимизнинг 12 ноябрь куни Бельгия Қироллигига расмий ташрифи фикримизни тасдиқлашга имкон беради. Ташрифда икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида келишиб олишди. Ўзбекистон ва Бельгия делегациялари ўзаро музокаралар олиб бориши, музокаралар якунида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳужжатлар имзоланди. Шубҳасизки, ушбу меҳнатлар тез кунда ўз мевасини беради. Мен ушбу мақолага сарлавҳа қилиб олган Оуреля хонимнинг қуйидаги жумлаларини яна такрорлагим келди: «Мен Ўзбекистонни ўзим учун кашф қилдим». Ҳа, нафақат сиз, бельгияликлар, балки бутун дунё кишилари бу диёрни ҳали ўзлари учун кашф қилишади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Яқинда ТошДУ қошидаги Олий педагогика институтида, Республикамизнинг барча вилоятлари Олий ўқув юртларидан ҳам, ўрта махсус ўқув юртларидан малака ошириш учун келган, профессор-ўқитувчиларнинг, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири О. САЛИМОВ билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда О. САЛИМОВ тингловчилар томо-

МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛИ

нидан берилган саволларга батафсил жавоб берди. Шу билан биргаликда, Олий ва ўрта махсус таълимнинг ҳозирги куни ва келажаги ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини баён қилди.

Вазир Президент И. КАРИМОВнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказий фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Фармонида кўрсатилган йўл-йўриқларидан келиб чиқиб мустақиллигимизнинг долзарб масалалари устида тўхталиб ўтди.

Учрашувда иштирок этган барча тингловчилар, Олий педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари, мамнун бўлишиб ўз миннатдорчилигини изҳор қилишди.

Т. ГАЙБУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Зафар Маърупов номидаги 83-ўрта мактабда молия университети ректори Мурод Шарифхўжаев бошчилигидаги бир гуруҳ профессорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда бугунги кунимиз иқтисоди тўғрисида молия университети ўқитувчилари маъруза қилишди.

Сиз суратда ана шу йиғилишдан лавҳа кўриб турибсиз.

Бобур ОТАМУРОДОВ олган сурат.

Дил изҳори

БОЛАЛАР ДАВРАСИДА БОЛАДАЙ ҚУВНОҚ ЮРИНГ

Ўқувчилик йиллари кимнинг хотирасидан жой олмайди дейсиз? Эслаганингизда ҳам барча ўқитувчилар эмас, балки қалбингизни забт этганлари, сизни ўзига мафтун қилганларигина кўз олдингизда гавдаланиб туради.

...6-синфдан бошлаб синфимизга жисмоний тарбия ўқитувчиси Хурсанд Холовни раҳбар қилиб тайинлашгани эсимда. Дастлаб ҳаммамиз ундан ҳайиқар, кўрганда титраб турардик. Лекин у биз ўйлаганимиздек, жаҳлдор эмас экан. Ўқувчилар билан тезда тил топишиб олди. Уни бутун синфдошларимиз яхши кўриб қолишди, жумладан мен ҳам.

...Бола зотининг барига меҳри баравар бу инсон ярим аср яшаб қўйибди. Эшитишимча, ўқувчилик йилларим кечган Чимкент вилоятининг Қазиғурт туманидаги Турбат қишлоғида бу камтарин инсонни шогирдлари, ҳамкасблари чин дилдан қутлашибди. Юбилярнинг муборак ёши шарафига туман ҳокимияти икки кунлик спорт байрами уюштиришга қарор қилган ва катта совринлар белгиланган.

Буни Хурсанд Холовга, бошқачароқ айтганда, зиёлиларга, маърифат ва маданиятни ривожлантиришга нисбатан эътибор деб тушуниш мумкин.

Мен ҳам азиз ва мўътабар инсондан йироқда бўлсам-да, унинг шогирди сифатида қулим кўксимда: «Болалар даврасида боладай қувноқ юринг, асло қариманг!» дейман.

Ш. ТЎЛАГАНОВ, журналист.

(Боши 1-бетда)

бир фанга қизиқишлари аввал оғзаки суҳбатда синаб кўрилади. Кейинги босқич тест. Бунда ўқувчининг билими холис баҳо олади. Охирги босқич эса ёзма иш ҳисобланиб, боланинг саводхонлик даражаси аниқланади. Ана шу босқичларнинг барчасидан муваффақиятли ўтган абитуриентгина лицей талабаси бўлиши мумкин. Уч босқичда ариза берганларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралади.

Лицей-интернатга раҳбарликни Тошкент Давлат университети ўз зиммасига олган. Таълим тизими бўйича эса у республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ихтиёридадир. 1993 йилда лицей-интернатнинг ўз Низоми қабул қилинган. Низом ўқув юртининг ички ҳаёти акс этган ҳужжатдир. Илм масканидаги фан кабинетлари кам-кўстсиз жиҳозланган. Коридор, синфхона, ётоқхона, кутубхона, ошхона, хуллас, лицей ихтиёридаги ҳамма жой безатилиши, тозалиги, саранжом-саришталиги жиҳатидан талабга мос. «Правец», «Айбиэс» компьютерлари мавжуд. Информатика хонасида улар билан шуғулланиш ўқувчиларни зериктирмайди. Мутахассис педагоглар учун компьютерларни ишлатиш жараёни оддий ва жўн. Қизиқувчан ёшлар ҳам унинг «тили»ни тушуниб олишяпти.

Ўз жонажон қишлоғини тарк этиб, илму маърифат ис-

ТАШНАЛИК

Лицей-интернат директори, математика фанлари номзоди, доцент Қосимали Абдуллаев бу саволга шундай жавоб қилди:

— Биз 45 минутлик дарслардан воз кечдик. Кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган бу муддат олий ўқув юртларида дарс бериб ўрганган педагогларимизни ҳам қониқтирмади. Илм йўли машаққатлидир. Биз бу боқий тушунчани ўқувчилар онгига сингдиришга муваффақ бўлдик, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам биз жуфтлик, яъни 80 минутлик дарсларга ўқувчиларни ҳам ўргатдик. Ўтган ўқув йилларида худди умумтаълим мактабларидаги сингари чоракликларга якун чиқарардик. Ўйлаб кўрсак, бундай тартибда бизнинг оддий мактабдан фарқимиз қолмас экан. Энди эса ҳар 45 кунда аттестация, яъни синов тизимини йўлга қўйдик. Шуни афсус-надомат билан эътироф этишим керакки, биринчи синовдан 31 нафар ўқувчи қониқарсиз баҳо олди. Лицей-интернат педагогик кенгашининг қарорига кўра, шулардан 14 нафари шартли равишда қолдирилди. 17 нафар ўқувчини эса ўз мактабларига жўнатдик. Ҳеч қандай фанга лаёқати, қизиқиши бўлмаган, бу ерга адашиб кириб қолган боладан жамиятга нима наф? Унга сарфланадиган минглаб сўм маблағ-чи?

— Ўқишдан четлаштирилган ўқувчиларнинг ўринлари бўшаб қоларса, йўқотиш бўлмайдими?

— Тўғри, ўринни бошқа иқтидорли ўқувчилар ҳисобига банд қилишга ҳаққимиз бор. Бунинг учун даъвогарлар лицей-интернат қабул шартларида синаб кўрилади. Яъни махсус суҳбат бунда қўл келади. Биз шу йўл билан ўқув йили бошлангандан бери 20 нафар болани лицейимизга қабул қилдик. Илм масканимизда биринчи ярим йилликда ва иккинчи ярим йилликда имтиҳонлар ўтказилади. Имтиҳонлар — олинган билим мезони. Биз бу босқични ўтказишда ҳар бир синфга бошқа-бошқа, яъни бегона ўқитувчиларни қўймоқчиларини супуриб-сидириб артадилар. Қаватларда галма-галдан навбатчиликнинг йўлга қўйилиши ҳам соғлом тарбиявий муҳитни вужудга келтирмоқда. 15 нафар тарбиячи бошчилигида ўқувчилар билан ўтказилаётган турли мавзулардаги суҳбат-мунозаралар, тадбирлар вақтичоғликка хизмат қилаётир. Тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, техника фанлари номзоди Абдусаттор Қаршиев турли тадбирларнинг бошида турибди. Яқинда лицей ўқувчилари Ҳамза номли театрда А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асари саҳна кўринишини томоша қилиб қайтдилар.

— Хўш, режалар қандай?

Анъанавий саволимизга директор шошмасдан жавоб қилди:

— Физика, математика, иқтисодиёт, кимё, биология фанлари алоҳида йўналишлар сифатида майдалаштириб юборилган. Менинг назаримда, физика, математика, иқтисодиётни битта йўналиш қилиб, химия, биологияни иккинчи йўналиш сифатида бирлаштириш мумкин. Лицей-интернатнинг таълим тизимида ижтимоий фанлар учун ҳам гуруҳлар очиш керак. Журналистика, тил, ҳуқуқ-тартибот соҳалари унутиб қўйилган. Ахир донги кетган лицей-интернат бўлсаю, жамият сиёсатини ўрганувчи фанларга эътибор бўлмаса? Албатта, келгуси ўқув йилларидан бошлаб ижтимоий фанлар бўйича ҳам алоҳида гуруҳлар очиш режамиз бор. Биздаги ўқувчиларнинг деярли барчаси иқтидорли. Лекин билим даражасига қараб уларни ҳам саралаш мумкин. 9-синфни аъло баҳоларга битирган ўқувчилар учун алоҳида синф ташкил этишни режалаштирганмиз. Бундай болалар ҳар бир фан бўйича ташкил қилинган синфлардан танлаб олинади. Ахир сараларнинг ҳам сараси борда...

Директор дарсга шошди. Назаримда, унинг гаплари чала қолди. Ўқув юртининг кўп қаватлик биносидан чиқар эканман, бу ерда маърифатга ташналик руҳи ҳукмрон эканига иқрор бўлдим.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

АМЕРИКАДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАЛЛИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси олий мактабида демократиялашув жараёни кетаётган, олий ўқув юртларининг мустақиллиги кенгайтирилаётган, олий таълимни ислоҳ этишнинг мақбул йўллари қидирилаётган бугунги кунда АҚШнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш катта амалий аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

Биздан фарқли ўлароқ, АҚШда олий мактаб тизимига ўрта мактаблардан юқори бўлган барча ўқув юртлари, жумладан, ўрта махсус ўқув юртлари ҳам киритилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тўрт йиллик таълимдан сўнг кўпчилик мутахассисликларнинг битирувчиларига бакалавр даражаси (биринчи профессионал даража) берилади. Яна уларга қўшимча бир-икки йил таълим олиб магистр даражасига эга бўлиш имкони ҳам берилади. Олий академик даража, докторлик даражасига эга бўлиш учун эса (биздаги фан номзоди даражасига тўғри келади) махсус назарий курсни ўзлаштириши, имтиҳонларни топшириши ҳамда диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш талаб этилади.

АҚШда ҳар бир олий ўқув юртининг ўзи қабул қилган лавозимлар мажмуи мавжуд бўлиб, лавозимга тайинлаш тартиб-қоидаларини олий ўқув юртининг ўзи ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Мамлакатда деярли ҳамма олий ўқув юртларида ўқитувчилар учун қуйидаги лавозимлар (уларда «академик унвон» деб юритилади) жорий этилган: профессор ёки «фул» (тўла) профессор, ассошиэйт-профессор, ассистент-профессор, инструктор, лектор, ўқув ассистенти.

Биринчи учта лавозимни эгаллаган ўқитувчилар «катта лавозимга эга бўлган шахслар» тоифасига киради. Улар ўқув жараёнининг ҳамма турларини олиб бориш ҳуқуқига эгадир. Ассистент-профессорлар эса кичик ҳамда унча аҳамиятга эга бўлмаган (масалан, кириш курслари, амалий машғулотлар каби) ўқув машғулотларини бажарадилар.

Бизнинг олий ўқув юртларида бу тоифа иккита лавозим (профессор ва доцент)дан иборат.

Инструктор лавозими тахминан биздаги ассистент ёки ўқитувчи лавозимига тўғри келади. Одатда инструктор лаборатория ишларига раҳбарлик қилади, амалий машғулотлар олиб боради. Лектор лавозимига штатда бўлмаган, таклиф этилган ўқитувчилар тайинланади. Ўқув ассистенти лавозимини эса, одатда аспирантлар эгаллашади.

АҚШ олий мактабларида танлов тизими, ўқитувчиларни қайта сайлаш қоидаси мавжуд эмас. Инструктор, баъзан ассистент-профессор лавозимига тайинлаш кафедра ёки деканнинг тавсияси билан университет ёки институт президенти томонидан амалга оширилади. Бунда қисқа муддатли (одатда бир йил муддат билан) битим тузилади. Бу синов муддатли бўлиб, бешолти марта такрорланиши мумкин.

Профессор лавозимига тайинлаш олий органи («васийлар кенгаши») томонидан тасдиқланади. Баъзан эса махсус қўмитанинг тавсияси ҳам талаб этилади. Профессор ёки ассошиэйт-профессор лавозимига тайинлаш даврида уларга одатда доимий мақом (муддатсиз битим) «тенюре» берилади, бироқ баъзан ассошиэйт-профессор ҳам биринчи битимни бир неча йилга қадар тузиши мумкин.

Кўп ўқув юртларида шундай қоида борки, бунга биноан инструктор ёки ассистент-профессор лавозимида саккиз-тўққиз йилдан ортиқ ўтириш мумкин эмас. Бу муддат тугагандан сўнг ё кўтарилиш ёки ишдан кетиш керак. Ушбу қоидани бизда ҳам жорий қилса ёмон бўлмасди, чунки аттестациянинг мавжуд бўлишига қарамасдан, кўпгина олий ўқув юртларимизда умр бўйи «ўқитувчи», «катта ўқитувчи» бўлиб ишлаётганлар оз эмас.

АҚШда у ёки бу лавозимга даъвогарлар учун қўйиладиган талаблар ҳам турличадир. Албатта, қарор қабул қилишда даъвогарнинг педагогик ва илмий фаолияти, илмий даражаси, нашр этилган ишларининг характери ва миқдори, ташкилотлар ва айрим шахсларнинг тавсиялари эътиборга олинади. Бироқ бу талаблар жуда ҳам аниқ баён қилинмаган, бирон-бир миқдорий нормативлар билан белгиланиб, қолипга солиб қўйилмаган. Гапнинг қисқаси, ҳар бир шахсга индивидуал ёндашиш томойили ҳукмрондир. Даъвогарнинг ўтган даврдаги хизматларига эмас, балки бугунги кундаги мавжуд имкониятига катта эътибор берилади.

Шунга қарамасдан, охирги йилларда қўйилган талаблардан биттаси — докторлик даражасига эга бўлиш, кенг оммалашиб бормоқда. Ҳозир йирик университетлар ва коллежларда қоида бўйича ассистент-профессор лавозимига докторлик даражасига эга бўлганлар, инструкторлик лавозимига эса диссертация устида ишлаётганлар қабул қилинаяпти.

Тадқиқотчи илмий тадқиқот ишлар учун талаб этилган қўшимча энг зарур бўлган илмий-назарий билимларга эга бўлиши лозим. У амалий тайёргарликка эришиш учун аниқ, нисбатан унча катта бўлмаган, бироқ мустақил тадқиқотни бажариши лозим. Энг асосийси, бўлажак доктор илмий иш қила олиш қобилиятини намойиш этиши керак.

Докторларни тайёрлаш фақат аспирантура орқали амалга оширилади, диссертацияни тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш вақт ва маблағни иложи борича иқтисод қилиб, иложи борича қисқа муддат мобайнида кўзлаган мақсадга эришишни назарда тутади. Бунда, энг аввало, соҳанинг назарий асоси бўйича имтиҳон топширилади ва бу имтиҳон жуда қаттиқ талаб асосида ўтказилади. Диссертацияда мавзунинг долзарблиги, тадқиқот натижаларининг жамият учун аҳамияти тўғрисида гапирилмайди. Диссертация фақат тадқиқотнинг мустақил натижаларидангина иборат бўлиши лозим. Нашр этилган, автореферат, иш натижасини жорий этганлик ва унинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумотномалар ҳам талаб этилмайди. Номзод кафедра ёки факультетнинг докторлик қўмитасига (одатда у тўрт-беш кишидан иборат бўлади) бешолти нусхадан иборат диссертация ишини тавсия этади, холос. Қўмитанинг барча аъзолари диссертация иши билан танишиб чиққандан сўнг унинг ҳимояси бўлиб ўтади, бунинг эса оммавий бўлиши шарт эмас. Фан доктори илмий даражасини бериш тўғрисидаги қарор ҳимоядан сўнг мазкур қўмита томонидан дарҳол чиқарилади... Ва шу билан вассалом! Диссертация ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тадбирлари учун атиги бир неча кун кифоя қилади, холос.

Маълумки, бизда энг қулай шароит туғдирилган ҳолатда ҳам, фан номзоди илмий даражасига эришиш учун узоқ ва машаққатли йўл босиб ўтилиши шарт.

Бугунги кунда бизда фан доктори илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилаётганларнинг ўртача ёши 48 ни ташкил этади, диссертацияни тайёрлаш учун 18-19 йил вақт талаб қилинаяпти. Диссертация материалларини нашр этиш учун камида шунча вақт талаб қилинади, натижаларини амалиётга жорий этиш учун эса 15 дан 30 фоизгача вақт сарф этилади. Шунинг учун бўлса керак, ҳамма ҳам ўз ҳаётининг энг яхши даврини бундай узоқ ва машаққатли жараёнга бахш этавермайди.

Дунё стандартидан фарқ қилган, «фан доктори» даражасининг мавжудлигидан жамият ва фан ютиши мумкинми, деган саволга ҳаётнинг ўзи жавоб бериб турипти...

1989 йили АҚШда олий ўқув юртида ишлаётган ўқитувчиларнинг 27 фоизини профессорлар, 24 фоизини ассошиэйт-профессорлар, 17 фоизини инструкторлар, 8 фоизини эса бошқа хизматчилар ташкил этган. Бизнинг олий ўқув юртларида профессорларнинг сони унча кўп эмас, ҳатто кафедра мудирларининг кўпчилигини асосан доцентлар ташкил этади. Айни пайтда бизнинг олий ўқув юртларимизда доцент лавозими кўпчилик учун охирги поғона бўлиб ҳисобланади.

АҚШда ўқитувчиларнинг юксак илмий унвонга эришиш учун босиб ўтган йўллари қуйидагича: 27-30 ёшда инструктор, 34-35 да ассистент-профессор, 38 да ассошиэйт-профессор, 40 ёш атрофида тўла профессор унвонига эга бўлади ҳамда профессорнинг ўртача ёши 52-53, ассошиэйт-профессорники 40-41, ассистент-профессорники 34-35, инструкторнинг ёши эса 33 ни ташкил этади.

Ҳар бир ўқитувчининг ҳаётида тенюре тизими катта роль ўйнайди. Муддатсиз битим тузиш тўғрисидаги қарор олий ўқув юрти президенти томонидан бўлим ёки факультет ва мавжуд махсус комиссия томонларидан берилган тавсифнома асосида қабул қилинади. Ўқитувчиларни тенюре тизимига ўтказиш тўғрисида ягона қоида йўқ. Лекин бу мақом малакали, тажрибали ҳамда педагогик фаолиятда ўзини яхши намоён қилган профессорларга ва ассошиэйт-профессорларга берилади. 1986 йили профессорларнинг 96 фоизи, ассошиэйт-профессорларнинг 82 фоизи тенюре мақомига эга бўлган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич ассистент-профессорлар учун 25 фоизни, инструкторлар учун эса атиги 10 фоизни ва умуман ўқитувчи-профессорлар таркиби учун 66 фоизни ташкил этади.

Мамлакатда тенюре тизимига нисбатан муносабат иккиёқлама. Бу тизим ёрдамида бир томондан ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояланиш даражаси кучаяди ва юқори малакали ўқитувчиларни ушлаб туриш имкониятига эга бўлинади. Иккинчи томондан эса, профессорларнинг сони кўпаяди, жамоанинг ўртача ёши улғаяди, бинобарин уларнинг фаоллиги камаяди ва иқтидорли ёшлар хизмат погонаси бўйича секин кўтарилиб борадилар.

Бунга нисбатан эса биздаги ўқитувчиларни ҳеч қандай муддатсиз битим тузишга йўл қўймайдиган ва доимий ҳар беш йилда битим тузиш тизими анча талабчан бўлиб кўринади.

АҚШда ўқитувчилар учун ёш чегараси қўйилмаган бўлса-да, одатда 65 ёш тўлиши билан ўзлари нафақага чиқади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тенюрега эга бўлмаган ўқитувчиларнинг аҳволи жуда кўп ҳолларда кутилмаган омилларга, биринчи навбатда олий ўқув юртининг молиявий аҳволига, (айниқса, хусусий олий ўқув юртларида) мазкур ўқув юртида ўқишни хоҳлаган талабаларнинг сонига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Америка олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг иш ҳафтаси беш кундан иборат бўлиб, 40 соатга тенг. Мана шу вақт мобайнида ўқитувчи ўқув жойида бўлиши лозим, яъни ўқув жараёнида, илмий тадқиқот ишларини олиб бориши, жамоат ишларида иштирок этиши, кутубхонада, лабораторияларда ишлаши мумкин. Бунинг учун уларга кенг шароит яратилган. Ҳар бир профессор алоҳида хонага эга. Мавжуд котибаларнинг хизматидан фойдаланиш мумкин.

Олий ўқув юртининг ички почта хизмати мавжуд бўлиб, бунда асосан кундузги бўлим талаба ва аспирантлари соатбай ишлашади. Улар орқали кутубхонадан китоблар, мақолаларнинг нусхасини олдириш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир хонада компьютер мавжуд бўлиб, у мамлакат компьютер линиясига уланган. Маълум ҳақ эвазига бундан ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳатто мақолани компьютерда ёзиб, у орқали бошқа жойга узатиш мумкин. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, олий ўқув юртлари илмий, ўқув ишлари учун алоҳида маблағ ажратилган. Китоб нусхасини олиш, ички ва ташқи почта, конференцияларга қатнашиш, маслаҳатлар олиш ва шу каби харажатлар ана шу маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

АҚШда ўқитувчилар учун бошқа жойда ўриндош бўлиб ишлашга рухсат берилмайди. Фақат таътил кунлари, дам олишда, байрамларда ўз ҳисобидан ишлаши мумкин. Ҳар олти йилда 6 ёки 12 ойлик ижодий таътил олиши мумкин.

Профессор-ўқитувчиларнинг маоши бўйича ҳам ягона кўрсаткич мавжуд эмас. Ҳар бир олий ўқув юртида, юқорида айтганимиздек, ўзининг моддий имкониятидан келиб чиқиб, ишга қабул қилинаётганлар билан алоҳида битим тузилади. Тахминан йилига ассистент-профессор — 25-35, ассошиэйт-профессор — 40-50, фул-профессор — 60-80 минг доллар маош олиши мумкин. Яна кўп олий ўқув юртларида йилига 15 фоиз рағбатлантирувчи фонд ҳам мавжуд. Хусусий олий ўқув юртларида иш ҳақи 10 фоиз кўпроқ.

АҚШнинг кўп олий ўқув юртларида бировнинг дарсига кириш одобга зид нарса деб қаралади. Чунки мутахассиснинг дипломи унга дарс бериш ҳуқуқини беради. Маълумки, диплом олишнинг ўзи осон эмас. Бундан ташқари ишга қабул қилинаётганда ҳам кўп чиғириқдан ўтади. Лекин битимни узайтириш даврида, албатта, унинг педагогик ва илмий фаолиятига баҳо берилади. Талабалар ва касбдошлар фикри, эълон қилинган ишлари, анкета натижалари асосида кафедра мудири ва декан баҳо беради. Шунингдек, талабалар ўз фикрларини очиқ-ойдин рўзномалар, кенгашлар ва бошқа уюшмалар орқали айтиш имкониятига ҳам эга.

Ҳаёт кўрсатиб турибдики, бу ҳолат мамлакат иқтисодига, олий мактабга, фанга ҳеч қандай зиён етказмаяпти, аксинча вақт, маблағ иқтисод қилинаяпти. Энг асосийси кишиларнинг асаби эҳтиёт қилинаётир. Ҳар 8-10 йилда бир марта касаба ташкилотлари томонидан олий ўқув юрти ҳар томонлама, чуқур ва қаттиқ талаб асосида назоратдан ўтказилади. Бунда олий ўқув юртининг тақдири, фаолиятини яна давом эттириши ёки ёпилиши масаласи қўйилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, АҚШда ҳам, бизда ҳам олий мактаб профессор-ўқитувчилар жамоаси деярли бир хил илмий қобилият, кучга, ижодий-илмий фаолликка, педагогик малакага эга. Америка олий ўқув юртидаги энг асосий нарса, фикримизча, бу унинг тўла мустақилликка эга бўлиши, турли хил олий мактабларнинг мавжудлиги, расмиятчиликнинг нисбатан камлиги, вақт ва маблағни ниҳоятда иқтисод қилишидир. Бу хусусиятларни ҳисобга олиш республикамиз мустақил ривожланишининг муҳим омилларидан бири бўлган олий мактабни ислоҳ қилишда катта амалий аҳамият касб этади.

Т. ҚУРБОНОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

ХУЛҚ — ИНСОН ЧИРОЙИ

Айтилган сўз — отилган ўқ, дейдилар. У ёхуд дилни жароҳатлайди, ёхуд дардни даволайди. Ўйламай-нетмай айтиладиган шундай сўзлар ҳам борки, кишининг кимлигини ошкор қилиб қўяди. Яқинда шаҳар автобусларининг бирида бўлиб ўтган бир воқеа қўплар қатори мени ҳам ўйлантириб қўйди, қаттиқ ранжитди. «Алгоритм» массивидаги бекатларнинг бирига автобус келиб тўхтади. Йўловчилар гур этиб автобусга чиқа бошлашди. Олдинги эшикдан чиққан кекса бир аёл тутқични бемажолгина ушлаб, ўриндиқларга кўз югуртириб чиқди. Ҳамма жойлар банд. У бировдан жой сурашга истиҳола қилдими, одамлардан кўзини олиб қочди. Тик қолган кампирни кўрган баъзи бир йўловчилар безовта бўлиб қолишди. Шунда бир ўрта ёшлардаги киши ўриндиқда онаси билан ёнма-ён ўтирган, ун-ўн икки ёшлардаги боланинг елкасига аста туртиб:

— Ўғлим, бувингларга жой бермайсанми? — деди. Бола «бу бегона аёл қандай қилиб менга буви бўлсин» дегандек унга лоқайд бир қаради-да, истар-истамас ўрнидан турмоқчи бўлди. Шунда онаси унинг елкасидан босиб, жойига ўтқазди.

— Турма, кампир бироз тик кетса, ҳеч нарса қилмайди. Биз охиригача борамиз, — деса бўладими. Кутилмаган бу муомаладан ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Ҳалиги киши ҳижолатомуз бир онага, бир болага қараб нима дейишини билмай турганди, кампир унинг кўнглини кўтарган бўлди:

— Хафа бўлманг, болам. Ҳурмат қилган — ҳурмат топади!

Ҳа, катталарни ҳурмат қилиш ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарз. Айниқса, ёшликдан болаларни одоб-ахлоққа ўргатиш ота-онанинг муқаддас бурчи саналади. Аммо турмушда гоҳо юқоридагидек воқеаларни кўриб кишининг кўнгли ранжиб ҳам туради. Айтинг-чи, шу ўринда она ўз ўғлига гўё меҳрибон бўлган бўлиб унга тўғри тарбия бердими Йўқ, у ўз ножўя ҳатти-ҳаракати билан боланинг онгини одамларга ҳурматсизлик, андишасизлик оғуси билан заҳарлади. Ахир бу хил тарбияни олган бола эртага ким бўлади?

Болалар биринчи дунёвий билимларини биздан, оиладаги катта кишилардан ўрганадилар. Боланинг яхши ёки ёмон билим олиши, бола онгининг қай тарзда шаклланиши, ҳар бир оиладаги шарт-шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Оилада тарбия қай йўсинда кетаётганини боланинг юриш-туриши, гап-сўзи ва ўзини тутишидан ҳам билиб олса бўлади.

Бола боғча ва мактабга қатнай бошлаши биланоқ кўпгина ота-оналар нечундир хотиржамликка бериладилар. Улар ўғил-қизлари тарбияси учун бутун масъулиятни боғча ва мактабга ағдариб, ўз бурчларини гоҳо унутиб қўядилар. Шундай ота-оналар ҳам борки, улар атайлаб чақиртирилганда ҳам мактабга боришга, ўқитувчилар билан бир муддат суҳбатлашиб қайтишга буйинлари ён бермайди. Ахир бу бола тарбияси учун ўтакетган бепарволик эмасми? Мактаб ва оила ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик муносабати ўрнатилмас экан, бола тарбиясида мутаносибликка эришиб бўлмайди. Бу эса тарбия ишида, оила ва мактаб ҳаёт

Истиқлол ва тафаккур

МАЪНАВИЯТНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚИРРАЛАРИ

Мамлакатимиз Президентининг маънавият масалаларига эътибори барча зиёлилар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Тошкент Давлат авиация институти ижтимоий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Бекдавлат АЛИЕВ билан жамоатчи муҳбиримизнинг суҳбати маънавиятнинг меҳнат жамоаларидаги ўрни ҳақидадир.

— Бекдавлат ака, мустақиллик ва маънавият узвий тушунчалар эканлиги аён, албатта. Эрки ўз қўлида бўлган халқнинг баркамол маънавиятига интилиши табиий. Шу жиҳатдан маънавиятни юксалтириш учун қандай масалалар мавжудлиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Мустақил Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий муносабатлар ислоҳоти чуқурлашиб бораётган даврда республикада яшовчи миллат ва элатларнинг сўнмас, асрий қадриятлари кўз олдимизда тикланиб бормоқда. Айнан шу маънавий тикланиш чинакам янгиланишни ва бозор муносабатларига ўтишнинг илғор шаклларини белгилаб беради. Меҳнат жамоалари қадриятлари мезонларининг бойиши шунинг учун муҳимдир.

Тажриба шуни кўрсатадики, чинакам суверенитет ҳар бир меҳнаткашдан чуқур тафаккур, ташаббускорлик, мустақиллик, уюшқоқлик билан бирга меҳнатга, ўз вазифаси ва бурчига бефарқ ва расмиятчилик билан муносабатда бўлиш руҳидан қутилишни ҳам талаб қилади.

Республика ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида юз бераётган туб ўзгаришлар замондошларимизнинг ҳаётий мезонлари силсиласида ўз аксини топди. Бу ўзгаришларнинг асосий хусусияти шундаки, уларда мураккаб ва қарама-қарши табиатга эга бўлган ижтимоий ривожланишнинг ҳақиқий диалектикаси худди кўзгудагидек акс этиб туради.

Президентимиз нутқларида мустақил ватанимиз — Ўзбекистон равнақининг беш тамойилларидан бири маънавият эканлиги қайта-қайта асосли равишда уқтирилмоқда. Зеро, келажаги буюк давлатни, демократик фуқаролик жамиятини фақат маънавий соғлом кишиларгина яратa оладилар. Кўпчиликнинг маънавият ҳақидаги тасаввури анчагина шаклланиб қолди. Аммо, бу қамровли кенг соҳанинг қатор ёритилмаган қирралари борки, улар ҳаётий, оддий тарздаги алоҳида шарҳларга муҳтож.

— Меҳнат жамоаларининг маънавий имкониятлари деганда нимани тушунасиз?

— «Меҳнат жамоасининг маънавий имкониятлари» тушунчаси кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънода бу — меҳнат жамоаси фаолиятига мос ахлоқ тамойилларининг қарор топишига хизмат қиладиган ижтимоий этик эҳтиёжлар йиғиндиси, жамоа ва раҳбар биргаликдаги фаолиятини бошқариб турувчи негиз ҳамда меҳнаткашларнинг жамоатчилиги ва шахсиятини баравар ривожлантирадиган жамоат фикрининг ҳақиқий кучидир. Бунда энг аввало маънавий тамойил ва қадриятлар, халқ меъёрлари, анъаналар, шахслараро муносабатларнинг маънавий даражаси, меҳнаткашларнинг бир-бирига, ўз вазифа ва бурчларини бажаришга, ишнинг сифатига талабчанлиги англанилади. Тор маънода эса бу — меҳнат жамоасининг ўз-ўзини танқид қила олиш даражаси, унинг салбий ҳодисалар ва туғилган қийинчиликларни енга олишга тайёрлиги, худбинлик ва шахсиятпарастликка қарши курашдаги изчиллиги, меҳнат жамоаси ва унинг ҳар бир аъзосининг меҳнат жамоасида инсонпарвар ахлоқни барқарор қилишнинг фаол шакл ва услубларини излаш ва топа билиш қобилиятидир.

— Умуман олганда маънавий имкониятларнинг салмоғи қандай?

— Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади жамиятнинг маънавий ва ижтимоий идеаллари билан чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнат жамоасининг маънавий имкониятлари шахснинг фақат қандай бир муайянликда эмас, бир бутунликда ўзини қайта намоён қилишига ёрдам беради. Ижобий маънавий имкониятнинг моддий ифодаси меҳнаткашларнинг юксак меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг ишлаб чиқариш топшириқларини ижодий равишда ташаббус билан бажаришга интилиши, бутун масъулиятни ўз зиммаларига олишга тайёрлигидир. Бундай ҳолларда одамлар ўз жонажон жамоаларига интиладилар, жамоада бирбирлари билан муносабат уларга қувонч бағишлайди, биргаликда қилинган меҳнатдан ҳар бир киши учун керак ва умумий бўлган ишнинг пировард натижаларидан қониқиш ҳосил қиладилар.

Бундан кўринадики, маънавий имконият қуруқ маҳсулот бўлмасдан, иқтисодий ва маънавий тажассумга эга бўлган чинакам, ҳақиқий кучдир. Ифодали қилиб уни жамоанинг, жамиятнинг шахс ҳаётий мавқеининг фаоллашувига, ижтимоий муносабат ва қадриятларнинг ривожланишига хизмат қиладиган ҳосилдор қатлами дейиш мумкин.

—Лўнда айтганда, жамиятда маънавий муносабатларнинг мақсадлари қандай?

— Маънавий муносабатларнинг мақсади нечоғлик эканлигини чуқур лашиб бораётган демократиялаш жараёни томонидан уларга юклатилаётган вазифа ва юмушлар кўрсатиб туради. Бу жараён уларга (маънавий имкониятларга) бир қанча қўшимча вазифаларни бажаришни тақозо қилади. Булар эса маънавий онгни шакллантириб, меҳнатни қуйидаги мақсадларга йўллайди.

1. Меҳнат жамоалари фаолиятини янгилашда жамоатчилик, инсонпарварликнинг фаол, таъсирчан ахлоқини намоён этиш, шахснинг қадр-қимматини кўтариш заруратини тушуниш.

2. Ижтимоий адолат ўрнатишда меҳнаткашларнинг мавқеини ошириш шахслараро ва мансабдорлар муносабатидаги маънавий тақчилликни бартараф этиш.

3. Товар-бозор муносабатларининг жорий этилиши, ўз-ўзини қоплаш ва маблағ билан таъминлашга ўтиш муносабати билан жамоадаги барча ижтимоий гуруҳларда янги ахлоқий қадриятларнинг пайдо бўлиши ва қарор топишига қўмак бериш.

4. Жамоа фаолиятининг барча соҳаларида жамоатчилик куртакларини ривожлантириш, ички ликбозлик, ташмачилик, порахўрлик, хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, миллий чекланганлик ва чидамсизлик, ҳомийлик, меҳнат ва маҳсулот сифатининг пастлиги каби салбий ҳодисалар билан муроса қила олмайдиган ахлоқий вазият яратиш.

5. Меҳнат ва ижтимоий сиёсий фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган анъана ва удумларнинг пайдо бўлиши ва қарор топишда кадрларнинг юксак ахлоқи учун курашда иштирок этиш.

— Маънавий муаммоларга таъсир қилувчи салбий омиллар ҳақида гапирсангиз?

Маънавият муаммоларига эътиборсизлик, унинг чекланган моддий базаси ёшларга ўта салбий таъсир кўрсатиб келди.

Республикада юз бераётган айрим ишлар кишиларнинг, ўсиб келаётган ёш авлоднинг кўз ўнгида халқ ижодининг ажойиб тарихий обидаларнинг яроқсиз холга келтирилиши, тарихий онгни шакллантириш ишларининг унутилиши жуда катта маданий ва маънавий зиён етказган эди.

Умуман шу нарсани айтиш мумкинки, тарбия соҳаси бозор муносабатлари шароитида меҳнат жамоасининг ижтимоийлаштирув имкониятларини ижтимоий муносабатларнинг ижобий ўзгаришлари томон йўллаб, уни фаоллаштиришга, жамиятнинг юксак маънавий ва психологик даражасига эришувига имкон беради. Бу республика Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида ўз ифодасини тўла намоён қилган. Бу ҳужжат мамлакатимизда олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг ҳақиқий дастуридир.

Суҳбатдош: Шуҳрат ЖАББОРОВ.

1996 йил — Амир Темур йили

ҚАЛБИМИЗДА АРДОҚЛАЙМИЗ СОҲИБҚИРОННИ

Ҳар бир халқнинг маънавий бутунлиги сийму зарлар билан эмас, балки ақлу тафаккурнинг мевалари билан, фозилу фузалолари билан, олиму уламо, аҳли донишлари, миллатнинг дардига дармон бўлиб, унинг роҳатини, садоқатини, осойишталигини сақламоқ учун курашиб келган, умрини бахшида этган фарзандлари билан ўлчанади.

Маълумки, биз узоқ йиллир «қизил империя» исканжасида яшаб, ҳақиқий ўтмишимизни, тарихимизни, маданиятимизнинг туб моҳиятини чуқур англай олишдек неъматдан бебаҳра бўлдик.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан табаррук зотлардан бири, заминни олтинга қиёс этгулик Мовароуннаҳр фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида чиқарган фармони, 1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши қалбларга беқиёс шодлик, қувонч, беадоқ сурур олиб кирди.

Улуғ сана мустақил давлатимизнинг барча ҳудудларида, унинг сарҳадларида кенг нишонланди.

«Етти иқлим соҳиби» дея фахр ила аталмиш бобомиз таваллудининг 660 йиллиги Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тасарруфидаги барча таълим-тарбия муассасаларида ҳам нишонланди. Соҳибқироннинг ҳаёти, у табаррук зотнинг жаҳон миқёсида туттан ўрни акс эттирилган кўргазмалар ташкил қилинди. Олимлар, ёзувчилар, шоирлар, атоқли санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилди. Амир Темур музейида таширифлар уюштирилди. Айниқса, шаҳримиздаги 9, 21, 26, 162, 216-мактабларда ўтказилган тадбирлар мазмун ва тарбиявий жиҳатидан ўта юқори савияда бўлди.

Юқорида қайд этилган тадбирларни ўтказишда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти «Тарих бўлими»нинг мудираси Мукаррам Мўйдиновнинг бевосита амалий услубий иштироки алоҳида эътиборга молиқдир. Шунингдек, у киши томонидан шаҳримизнинг улуғвор жойида қад кўтарган Амир Темур ҳайкали пойида ўтказилган 2 соатлик дарс қўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ўзбекистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва бошқа нуфузли ижодкорларнинг мазкур тадбирдаги иштироки дарс мазмунини янада бойитди. Ушбу дарс Ўзбекистон телевидениеси орқали кенг оммалаштирилди.

Ҳамза номли театрда шаҳримиздаги таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчилари таниқли шоир, ёзувчи, бобомиз Амир Темур тарихининг зукко билимдонларидан бири Евгений Березиковнинг мазмунли маърузасидан баҳраманд бўлдилар.

Шунингдек, катта тадбирлардан бири шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти мутасадди ходимлари томонидан Шайхонтоҳур туманидаги Садриддин Айний номидаги 84-мактабда ўтказилди. «Замон ардоқлайди Соҳибқиронни» рукни остидаги бу бадиий-адабий кеча улуғ санага бағишланган тадбирларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди. Кечада тарихшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Аҳмадали Асқаров, тарих фанлари доктори Абдуғаффор Набиев, Ўзбекистон Фанлар академияси, Адабиётшунослик институтининг бўлим мудири, Беруний номидаги Республика мукофотининг совриндори, филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, таниқли шоирлар Жуманиёз Жабборов, Тўра Мирзолар маърузалар қилдилар, шеърлар ўқидилар. Кечада иштирок этган Ўзбекистон Халқ артисти Теша Мўминовнинг бадиий чиқиши кеча мазмунига янада мазмун киритди. Айниқса, 104-мактабнинг директори Абдунаби Ориповнинг Амир Темур сиймосида саҳнада чиқиши барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Хуллас, бобомизнинг Турон юрти узра кезиб юрган руҳини шод қилиш қалб амридан эканлигини ҳис қилган ҳолда институтимиз қатор тадбирларни ўтказди ва бундан буён ҳам аниқ режалар асосида муайян ишларни амалга ошираверади.

Алижон ТУРСУНМАТОВ,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, «Маънавият ва миллий қадриятлар бўлими»нинг мудири.

Кўринг, олинг, фойдаланинг

ЭЛЕКТРОН ДАВРИЙ СИСТЕМА

«Барча турдаги умумтаълим мактабларида дарс самарадорлигини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг ҳиссий қизиқишларини ривожлантириш», Россия Федерацияси Таълим вазирлиги умумий ўрта таълимни ривожлантириш бош бошқармаси Д. И. Менделеев даврий системаси электрон маълумотномали жадвалидан фойдаланишга оид тавсияларини шундай асослайди.

Жадвални қаршингиздаги суратда кўриб турибсиз. Таълим беришнинг ўзига хос техник воситаси дея тан олинган ушбу мосламанинг бошқа турдошлари мавжуд эмас ва у кимё, физика, материалшунослик ҳамда махсус технология ўрганиладиган аудиторияларга мўлжалланган.

Д. И. Менделеевнинг кимёвий элементлар электрон маълумотномали жадвали (МЭЖ) мазкур жадвал, экран, клавиуатура ва хотирага тўғридан-тўғри кирувчи микропроцессор модул заминидаги бошқарув блокидан иборат. Клавиатура вазифасини горизонтал жойлашган даврлар рақамлари, вертикал жойлашган гуруҳлар ва параметр белгилари ўтайди. Клавиатура ҳаракати яссилиги клавиш юзасига мос келувчи кўрсаткичнинг ўзаро сенсон таъсири тамойилига асосланган.

Клавишларни «босиш» кўрсаткичнинг ясси япроқчасини тегишли клавишнинг юзасига тегизиш орқали амалга оширилади. Бунда клавиш нурланади ва товуш сигнали чиқади.

Жадвал ҳар бир кимёвий элемент бўйича физика ва кимё соҳасига тегишли 20 дан ортиқ маълумот бера олиши мумкин. Ядро тузилишининг ўлчамлари, эриш даражаси, электроманфийлик, атомнинг электрон конфигурацияси, физик константлар, оксид ва гидрооксидларнинг кимёвий хусусиятлари ва бошқалар шулар жумласига киради. Буларнинг барчаси тегишли маълумотларни олиш учун адабиётларни титкилашга кетадиган вақтни тежайди, бинобарин, дарснинг яхлитлигини оширишга хизмат қилади.

Мосламанинг техник тавсифномаси билан қизиқаётганларга маълум қиламиз: қаварақ ўлчамлари — 2200 x 900 x 30 мм, вазни 15 килограмм, қуввати эса — 60 ватт. МЭЖни чиқаришни «Сенсор-прибор» ТХБси ўзлаштириб олди ва у кафолатли хизмат ҳамда таъмирни ҳам амалга оширади. «Сенсор-прибор» ТХБнинг Россия Федерациясидаги расмий вакили «Якименко ва К°» савдо — ишлаб чиқариш фирмасидир. Ҳурматли мактаб директорлари! Агар ҳисоб рақамингизда маблағингиз бўлса ёинки бадавлат ҳомийга эга бўлсангиз, ушбу электрон жадвални сотиб олинг. Бундан фақат ютасиз.

Суратда: муаллима электрон жадвалдан фойдаланган ҳолда дарс ўтмоқда.

ГУЛГА БУРКАНГАН ОЛИМ

Инсондан сўз қолади. Лекин биз оддийгина қилиб сўз қолади деймизу, аслида бу қоладиган «сўз»нинг вазни шунчалар оғирки, ҳар қандай вужуд бу юкни кўтаришга қодир қилиб яратилмаган. Аммо мен яқинда шу юкни гардони кўтара олган бир инсонни кўрдим. Мен кўрган киши олим, методист Йўлдош Абдуллаев эди.

Куни кеча Қори-Ниёзий номидаги Узбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида атоқли олим Йўлдош Абдуллаев таваллудининг 70 йиллиги, илмий-ижодий фаолиятининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб утди. Йиғилишни институт раҳбари Даврон Шодиев кириш сўзи билан очди.

Тантанали йиғилишда республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олимни табаррук ёши билан қутлаб, кўп йиллик педагогик фаолияти учун Академик Сиддиқ Ражабов номидаги кўкрак нишонини гулдурос қарсаклар остида топширди. Сўнгра сўзга чиққан олимнинг бир қатор дўстлари уни таваллуд куни билан муборакбод этдилар. Ўнлаб тўнлар кийдирилди, гулдасталар тақдим этилди.

А. НАЗАРОВ.

Соғлом авлод учун

ЎЗЛИГИНГНИ АНГЛАЙМАН ДЕСАНГ...

Мафкурамизнинг асоси миллий мактабдадир. Лекин менинг назаримда адабиёт, қисман тарих фанидан бошқа дарсликларда ҳамон миллий руҳ етишмаётгандек.

Мен ўз дарсларимда мозийга кўп мурожаат қиламан. Халқимизнинг «Етти отасини билмаган етимдир» мақолини ёки донишмандлардан бирининг «агар одам ўз келиб чиқишини билмаса, у ўрмонда адашган маймунга ўхшайди. Агар у ўз уруғ-аймоғини билмаса, ферузадан ясалган аждарҳога ўхшайди. Агар у аждодлари ҳақидаги битикларни ўқий олмаса, йўқолган ва йўлдан чалғиб кетган болакайга ўхшайди», деган сўзларни ўқувчиларга қайта-қайта эслатиш менга одат бўлиб қолган.

Йиллар давомида ўқувчиларим билан олиб борган изланишларим маҳсули — миллий-услубий публицистик рисоламда «Улкангизни, аждодларингизни биласизми?» деган савол жадвалда 6 та қишлоқ тарихи (Ўрта қишлоқ, Файзиобод, Тепа, Боғизоғон, Талакота, Ғалча) деярли батафсил ўрганиб чиқилган. Ариқлар, сойлар, каналлар, жарлик, чуқурлик, тепа, мозор, муқаддас жой, авлиё, тошлоқ ер, полиз, боғ, ботқоқлик ва ниҳоят шу қишлоққа қайси уруғлар ўзаро қон-қариндош эканлиги ёритилган.

Энг муҳими, ҳар бир ўқувчи ота ва она томонидан етти аждодини ўз шахсий жадвалига абадий эсдалик сифатида қолдириши ҳар бир миллат фарзанди учун бир хазина. Вазифам юзасидан бошқа туман мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари билан суҳбатлашаман. Миллий мафкура, ўлкашунослик, авлодаждодларимиз хусусидаги суҳбатлардан баъзан қониқиб, баъзан кўнглим тўлмай чиқаман.

Боғишамол туманидаги 55-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Раҳимовнинг жавоби мени жуда қувонтирди. У ҳам ота, ҳам она томонидан етти аждодини тўлиқ айтиб, синф тахтасига ёзиб берди. Ўзи яшаётган маҳаллий жойлар тарихи ҳақида бой маълумотга эга эканлигини исботлади. Мен унга турли саволлар бердим. Жавобларнинг бари муккаммал бўлди. Бундай эътиқоди мустаҳкам, истеъдодли ёшларга доимий эътибор лозим.

Айни вақтда «Соғлом авлод» нишони нега таъсис этилди? Чунки фақат жисмоний, бақувват инсон тарбиясигина эмас, балки юраги тоза, маънавий етук авлодни етиштириш назарда тутиляпти. Юраги, қони тоза бўлмаганлар маънавий етук авлод бера оладими? Қачонгача ҳамма ишимизни «бир бало қилиб» қабилида олиб борамиз?

Миллий масалада тарихий муштараклик хусусида етарлича тарғибот олиб бораяпмизми? Самарқанд тупроғида истиқомат қилаётган ҳар бир инсон у ўзбекми, тожикми, қатъи назар, ўзининг ота-бобоси туркий-суғд, суғд-туркий эканлиги билан қизиқанида, тарихий ўтмиш, урф-одатлар, антропологик яъни ташқи кўриниши бир-бирига яқинэканини англаши лозим. Туркистон туркий улуслар Ватани эди. Ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, қозоқ, қорақалпоқ... Буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳам «Бизким малики Турон Амири Туркистонмиз, бизким миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз» деб бежиз айтмаган бўлса керак. Бинобарин, биз — ёшу қари оқаётган ариғимиз қачондан бери оқишини, юраётган йўлимиздан биринчи бўлиб кимлар ўтганини, яшаётган қишлоқ-шаҳримиз нега шундай аталганини билмас эканмиз, «Ватан бешикдан бошланади» деган тушунчани ҳам англамасдан ўтиб кетишимиз мумкин. Марказий Осиё, Туркистон, шу жумладан Самарқанд заминида биринчилардан бўлиб илм-фан жавоҳирларини терган улуғ бобокалонларимиз ўтган. Биз уларнинг авлодларимиз. Уларга муносиб бўлайлик!

Мамадамин РАЖАБОВ,
Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси етакчи мутахассиси, Тайлоқ туманидаги 41-мактабнинг олий тоифали тил-адабиёт ўқитувчиси.

Болаликнинг рангин дунёси

XX аср муъжизаси ҳисобланмиш кинонинг кашф этилиши инсоният ҳаётини, маданияти ва маърифатини бойитишга олиб келди.. Дастлаб техник кашфиёт сифатида танилган кинематография, санъат йўлига шиддат билан кириб борди. Овозсиз, овозли фильмлар, бадиий ҳужжатли, илмий — оммабоп ва диафильмлар шулар жумласидандир.

Ҳаракатдаги тасвирнинг бу ривожланиш босқичи ва турлари Узбекистонда ҳам пайдо бўлди. Уз йўналишида, санъат даражасида фаолиятини юритди.

1960-70 йиллар Узбекистон илмий — оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида ижоднинг айни қайнаган паллалари ҳисобланади. Ижодкорлар — ёзувчи, шоир, режиссёр, операторлар орасида мустаҳкам алоқа, ижодий ҳамкорлик барқ урган. Айни шу йиллари киностудия қошида яна бир цех — диафильмлар ишлаб чиқарадиган бўлим очилди. Бўлимда асосан ўқув ва эртак диафильмлари ишлаб чиқарилган. «Тоҳир ва Зуҳра» каби халқ афсоналари, А. Навоийнинг асарлари асосидаги фильмлар шулар сирасига киради. Ўтган вақт мобайнида жами 200 га яқин диафильмлар яратилган бўлиб, уларнинг тўртдан уч қисми ўқув фильми, қолгани эртак — фильмлардир. Кичкинагина бўлим 1976-78 йиллар нафақат Узбекистонни, балки қардош республика буюртмаларини ҳам бажарган ва илмий оммабоп, ўқув фильмлари ишлаб чиқарган. Цех Маданият вазирлиги хомийлигида ҳар ойда 25 минг тираждан иборат фильм яратиш билан машғул бўлган. Диафильмлар мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, адабиет, биология, математика, география, мактабгача тарбиялануучилар учун услубий — ўқув йўналишида яратилди.

Фильмлар яратишда асосан рассомлардан Эгай (бу ижодкор узбек диафильми яратилишига асос солган) Б. Холмирзаев, М. Маҳмудов, Б. Назаров, В. Смирнов, муҳаррирлардан Э. Муҳиддинов, муаллифлардан, улар асосан педагог — услубчи мутахассислар Н. Набиҳонов, Ш. Зайнутдинова, Н. Бекбоевалар мунтазам иштирок этишган.

Илмий — оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясидаги диафильм цехнинг фаолияти 1989 йил тўхтади. Бунга сабаб асосий харидорларимиз буюртма беришни тўхтатишди. Мактаблар билан ўзаро шартнома тузишга таълим масканларининг моддий базаси имкон бермади. Натижада диафильмларни ўз зиннига чиқариб келган студия унга ортиқча маблағ ажрата олмади.

Бугунги кунда кинофильмлар оламига видеофильмлар кириб келди ва у ўз ўрнини топди. Диафильмлар ўз ўрнини видеоларга бўшатиб бермоқда. Видеолардаги турли ўйинлар болажонларнинг севимли машғулотига айланмоқда. Бу қувонарли ҳол. Лекин диафильмларнинг ўрни, албатта, ўзига хосдир. Чунки тасвирий воситаларни, бўёқлар оламини ҳис қилиш, исталган кадрда тўхталиб, воқеани, вазиятни таҳлил қилиш, кадрни санъат, адабиет, маданият нуқтаи — назаридан баҳолаш, болаларда ижодкорликни, баёнчиликни, нутқ ўстиришни ривожлантириш борасида уларнинг хизмати беқиёс.

Матлуба АКБАРХЎЖАЕВА,
Малоҳат СОБИРОВА.

ҚАЛБИ ПОК ИНСОН ЭДИ



Бешафқат ўлим республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар ва журналистлар уюшмаларининг аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент Мажид Самадовни орамиздан олиб кетди.

Мажид Самадов ўрта мактабни тугаллаши биланоқ армия сафига чақирилди. 2-Жаҳон урушининг бошланишидан тортиб то охиригача даҳшатли жангларда қатнашди. Урушдан қайтиб келиб, ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент кечки педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиб, 1949 йилда уни муваффақиятли тугаллади. 1949—1950 йиллар давомида Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлади. 1950 йилда Ўзбекистон Маориф вазирлиги ёш олимни Москва давлат университети аспирантурасига ўқишга йўллайди. У ерда йирик олимлар кўмагида ўз билим ва маҳоратини оширди. М. Самадов Халқ маорифи вазирлиги, олий ўқув юртлари илмий, мувофиқлаштирувчи ва услубий кенгашлари, республика Ёзувчилар ва журналистлар уюшмалари бошқаруви каби катта жамоат даргоҳларида вазифалар бажариши билан бир вақтда, ўз илмий, ижодий ишлари учун ҳам вақт топди. Унинг ҳаммуаллифликдаги «Адабиёт мажмуаси» чорак аср давомида мактабларда асосий ўқув қўлланмаси бўлиб келди, педагогика соҳасига оид бир қанча мақола ва рисолалари таълим фани хазинасига қўшилган жиддий ҳиссадир.

М. Самадов 1971 йилда республика Халқ маорифи вазирлигининг илмий-методик журнали — ҳозирги «Халқ таълими»га бош муҳаррир этиб тайинланди ва 17 йил давомида ушбу вазифани сидқидилдан бажариб келди.

Мажид Самадов жанговар орден ва медаллар билан бир қаторда «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони, «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрли унвони соҳиби, Халқ таълими вазирлигининг олий мукофоти — Қори-Ниёзий медалининг совриндори эди.

Азиз дўст, меҳрибон устоз, юксак маънавият эгаси Мажид Самадовнинг ёрқин сиймоси қалбимизда абадий муҳрланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

Махсус таълим муаммолари

МУНОЗАРА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, шу йилнинг 13 ноябридан бошлаб Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда махсус таълимни ривожлантиришга бағишланган Республика семинар-кенгаши ўтказилмоқда.

Мазкур анжуманда ЮНЕСКОнинг экспертлари қатнашмоқдалар. Семинар-кенгаш мунозараларида мактаб ўқитувчилари, директорлари, вилоят халқ таълими бошқармалари ва малака ошириш институтларининг махсус таълим мутахассислари, ота-оналари, ногиронлар жамиятлари вакиллари ўзаро фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шуни айтиш керакки, ногирон болалар муаммоларига бағишланган ушбу семинар-кенгашда бир қатор ижтимоий масалалар кўтарилди. Бу борада, айниқса чет эллик мутахассисларнинг ўз тажрибаларидан келиб чиқиб билдирган таклифлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

ЮНЕСКО вакили — янгизелландиялик жаноб Броуди кўп мамлакатларда (Корея, Япония, Голландия, Англия, Ҳиндистон) синовдан ўтиб, ҳаётга тадбиқ этилган тажрибаси билан ўртоқлашиб, ногиронларни умумий мактабда ўқитиш ва тарбиялаш ишлари хусусида батафсил тўхталди.

3,5 миллион аҳолига эга Янгизелландия мамлакатининг асосий қисмини қишлоқлар ташкил этади. Ҳар бир ҳудуддаги кичик мактабларда 50-100 нафардан ўқувчи таълим олади. Ҳозирда кўзи ожиз, кар болалар махсус мактаблардан тобора умумий мактабларга жалб этилмоқда.

Семинар давомида бир талай долзарб масалалар муҳокама этилди. Жумладан махсус таълимнинг умумтаълим мактабларида олиб борилишининг салбий ва ижобий томонлари, иқтисодий ва молиявий жиҳатлари, бу борадаги мактабгача тарбия тизими, ушбу муассасаларда меҳнат таълими, касбга йўллаш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш каби жиҳатларга алоҳида урғу берилди.

Интеграция, яъни иккала таълим муассасасининг уйғунлашуви албатта ногиронлар ва уларнинг ота-оналари учун кўп афзалликлар яратади.

Негаки бола оиладан четланмаган ҳолда ўзига яқин мактаб ёки боғчада соғлом тенгқурлари билан бир қаторда таълим олади. Бироқ айни кунда республикамиздаги умумтаълим мактабларида ногирон болалар таълими, даволаниши, касбга йўлланиши, реабилитацияси учун керакли шарт-шароит мавжуд эмас.

Шундай бўлса-да, бизда ҳам бу борада интеграция унсурлари мавжуд. Нутқида нуқсони бўлган болалар учун умумтаълим мактаблари қошида синфлар, логопедик ёрдам хоналари ташкил этилган, руҳий ривожланиши суст болалар учун тенглаштириш синфлари бор. Заиф эшитувчи болалар бошланғич мактабни битиргач, нутқи, ақлий ривожланиши етарли бўлган ҳолда умумий синфларда таълимни давом эттиришлари мумкин.

Мамлакатимизда махсус таълим муассасаларига қамраб олинмаган болалар учун уларни ўқитиш, даволаш, нуқсонларини бартараф этиш мақсадида реабилитация марказларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Олийгоҳларда, бўлажак педагоглар учун уларнинг психологияси, ўқитишнинг ўзига хослиги ҳақида махсус дефектология асослари курсини киритиш зарурлиги семинарда таъкидланди.

Махсус таълим муассасаларида меҳнат таълими, касбга йўллаш масалаларига республикамизда алоҳида эътибор қаратилаётгани ёрдамчи мактаб-интернатларда эҳтиёжга кўра ногирон болаларга турли касб-ҳунар сирлари ўргатилаётгани семинар қатнашчилари томонидан маъқулланди.

Шунингдек, кенгашда ногирон болаларни илк ёшдан аниқлаш муаммолари, таълим мазмунини такомиллаштириш масалалари кенг муҳокама этилди.

Ота-оналарнинг ўз фарзанди нуқсонига бепарволиги жамоатчилик асосида август, сентябрь ойларида фаолият кўрсатаётган тиббий педагогик комиссиялари ишининг самарасизлиги талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Ногирон болалар нуқсонини аниқлаш бўйича махсус методик адабиётлар ишлаб чиқилиши, тиббий муассасаларда ҳам нуқсонли болаларни аниқлашга эътиборни кучайтириш, ота-оналар ўртасида ташвиқот ишларини олиб бориш каби вазифаларини ҳал этиш масала ечими сифатида айтиб ўтилди.

Таълим мазмунини такомиллаштириш борасида эса махсус Низом, ўқув-режа, дастур, дарсликларни, таълим-тарбияда ногирон болага бўлган муносабатни қайта кўриб чиқиш, энг муҳими, мутахассисларни тайёрлаш масаласига эътиборни кучайтириш лозим, деган хулосага келинди.

Семинарнинг учинчи кунида кенгаш қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, Тошкент шаҳридаги 102-заиф эшитувчи, 64-нутқида нуқсони бўлган болалар, 103-ёрдамчи мактабга ташриф буюрдилар. Бу ерларда умумий ва якка ўқув машғулотлари, синфдан ташқари ишлар билан танишиб, кўрганларини таҳлил қилдилар ва яна бир бор интеграция ва сегрегация таълимини таққослаш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳурниса ҚАЛБАЕВА,
Республика таълим маркази бош методисти, Халқаро семинар-кенгаш қатнашчиси.

Баҳористонлик мураббийлар ижодидан

ИЖОДКОРЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Туманимиз кўп миллатли. Бу ерда ўзбеклар билан асосан туркманлар , руслар ва бошқа миллат вакиллари бир оға-инидек яшаб келмоқдалар. Мустақиллик шарофати билан туманимизда ҳам азалий урф-одатларимиз, тилимиз ва динимизга алоҳида эътибор билан қарашга ўтдик. Қадриятларимиз тикланмоқда, миллийликка, шарқона одатларга, маданият, маънавият ва айниқса, тафаккур оламига кириб боришимизга кенг йўл очилди. Маърифат, зиё — яур йўлининг очилишига, бу борада ўқитувчи меҳнатига алоҳида кўз билан қарашга одатландик. Жумладан, ижодкор меҳнатсевар ўқитувчиларни қидириб топиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, вақти-вақти билан вилоят миқёсидаги анжуманларни, кўрик-танловларни ўтказиб туриш, ишимизнинг умумий самарасига самара қўшиб келаётганлиги ҳам қувонарли бир ҳолдир.

Вилоятимизда ўқитувчилар кенгашининг тузилиши ҳам ижодкор ўқитувчи-тарбиячиларга бўлган ҳурмат-эътиборнинг янги бир кўриниши деб биламан. Бизнинг туманимизда ҳам талайгина ижодкор муаллим-тарбиячилар борки, улар ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга, қалам соҳиби ва соҳибалари қилиб тарбиялашда, чуқур маданият ва маънавиятга етаклашда катта ҳисса қўшмоқда.

Узоқ йиллардан бери ижод қилиб келаётган ва айниқса, эркинлик-истиқлол шарофати билан ижодлари юзага чиқаётган Жуматурди Ақиев, Эшқурбон Аҳмедов, Абдунаби Абдиев, Илғор Давронов, Байрам Тўхтаев, Таган Ниёзқулов, Замира Соатова, Ҳикмат Раупова, Муҳаммад Тўймуродов, Яраш Ҳайитов, Товорак Рўзиева, Асрор Қиличев каби мураббийларимиз бу борада қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Туман бўйича тузилган ижодкор ўқитувчилар кенгаши эса ҳар бир ишимизда камарбаста бўлиб келмоқда. Ушбу ижодкорларга атрофлича шарт-шароитлар яратилмоқда, вақти-вақти билан рағбатлантирилмоқда, илғор тажрибали муассасаларга бориб келиши таъминланмоқда, иш фаолиятларидан кўп нусхада рисолалар чоп эттириш режалаштирилмоқда. Ҳа, ижодкорлар умумий ишимизнинг мезонини аниқлашда асосий куч ва восита бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Ж. ЖАНГЕЛДИЕВ,
Баҳористон туман халқ таълими бўлимининг мудири.

АЁЛ

Умри ташвишлардан бўшамайди ҳеч,
Фарзанду рўзғор деб тинмас эрта-кеч.
Кунботар чўкади тўшакка беҳол...
Бардошинг тоғлардек буюкдир, аёл...

Ширин нонлар ёпган қўлларинг қадоқ,
Бардамсан тоғ бўлиб босса ҳам фироқ.
Таърифингга сўз йўқ, мен қоламан лол,
Шунчалар суюксан, суюксан, аёл!

Гулжамол ДУРДАЛИЕВА,
6-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЎЗБЕГИМ

Қанча маломатлар ўтмади бошдан,
Ўзбегим бошларинг қаттиқдир тошдан,
Қанча жафолару жабр кўзёшдан,
Этмадинг кўнглингни ҳеч қачон хира.
Ўзбегим қаддингни букмагин сира!

Душманлар режасин бузган сен ўзинг,
Ғанимлар ҳийласин сезган сен ўзинг,
Қанча тафсилотлар гувоҳи кўзинг,
Этмадинг кўнглингни ҳеч қачон хира.
Ўзбегим қаддингни букмагин сира!

Элимнинг сардори ул Темур бобо,
Улуғбек юлдузи, шеър, қўшиқ, наво,
Осмонингда мўлдир мусаффо ҳаво,
Этмадинг кўнглингни ҳеч қачон хира,
Ўзбегим қаддингни букмагин сира!

Истиқлол сеники, шунга шукр қил,
Яхши кун олдинда бунга фикр қил,
Яхшилар сўзини элга зикр қил,
Этмагил кўнглингни ҳеч қачон хира,
Ўзбегим, қаддингни букмагин сира!

Эшқурбон АҲМЕДОВ,
11-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ШЕЪРЛАРИМ

Мана тинмай ёмғир шивалар,
Табиатнинг ажиб бир меҳри.
Дардим ювар биллур томчилар,
Ойдинлашар юрагим қўри.

Навбаҳордан даракчи бўлиб,
Ялтирайди ёқут шабнамлар.
Далалар ҳам кўк либос кийиб,
Бойчечакни кулиб қаршилар.

Томчиларга узоқ тикилдим,
Сингиб кетди тупроққа эркин.
Томчилардек бўлса шеърларим,
Сингиб кетса қалбларга секин.

Зулфиқор МИРЗАҚУЛОВ,
Ҳақберди Исмадиёр ўғли номидаги мактаб ўқитувчиси.

МУРАББИЙ

Жон олгувчи интиқ кўзлар олдингда,
Сен уларга дармондирсан, мураббий.
Юрагингга ўт қалаб ҳар тонгингда
Бамисоли армондирсан, мураббий.

Ҳар гал шогирд камолини ўйладинг,
Адолату садоқатдан сўйладинг,
Истиқлолни авж пардада куйладинг,
Олис чўққи, довондирсан, мураббий.

Буюк Темурга ҳам бўлгандинг машъал,
Навоий ақлининг тошисан тамал,
Бир пас ҳузурингдан кетсам ғар,
хуш қол,
Ғазал тўла девондирсан, мураббий.

Оқмуҳаммад айлар қошингда таъзим,
Сен бир чинордирсан беқиёс, азим,
Белинг маҳкам бўлсин, ҳақ берсин
тўзим,
Сел келганда тўғондирсан, мураббий.

Жуматурди АҚИЕВ,
16-ўрта мактаб ўқитувчиси.

АТАЙДИ

Бир ниҳолни экмаган,
Ишга кўзин тикмаган,
Узин боғбон атайди.

Яхшиликни билмаган,
Ҳеч яхшилик қилмаган,
Узин қадрдон атайди.

Бирон жойда кулмаган,
Кулиш нима билмаган,
Узин инсон атайди.

Курсанг мисоли қарға,
Элдан бўлган бадарға,
Узин жонон атайди.

Ҳеч қўшиқ куйламаган,
Ё бир шеър ёдламаган,
Узин хушхон атайди.

Дон-дун, мева ё тарвуз,
Эколмаган минг афсус,
Узин деҳқон атайди.

Қўлидан келмас бир иш,
Ортиқча юк ва ташвиш,
Узин чаққон атайди.

Тайини йўқ ишининг,
Сезмас ёзу қишини,
Узин полвон атайди.

Кўпга нафи тегмаса,
Узи бўлса бемаса,
Эли ёмон атайди.

Элга тегмаса нафи,
Бундайларнинг йўқ сафи,
Узин гумдон атайди.

Асрор ҚИЛИЧЕВ,
туман халқ таълими бўлими ходими.

Гамбургдан хушхабар

«БАЙРОҒИМИЗ... ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МЕНИ ҚЎЛЛАДИ»



Куни кеча Германиядан ажойиб хушхабар олдик. Профессионал боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Артур ГРИГОРЯН навбатдаги жангда ҳам матонат кўрсатиб, ғалабага эришди. Журналист Сафар Остонов Гамбургга қўнғироқ қилиб, Артурга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Артур, аввало ғалаба билан табриклаймиз!

— Раҳмат.

— Сиз учрашувни 23 ноябрь куни Англия чемпиони Майкл Айэрсс билан ўтказишингиз керак эди-ку. Рақибингиз қам, учрашув муддати ҳам ўзгарибди. Сабаби нимада?

— Тошкентдан қайтганимдан сўнг орадан бироз ўтгач, Майкл мен билан учрашувни яна қолдиришга қарор қилганлигини маълум қилишди. Унинг ўрнига жаҳон чемпионлигига иккинчи даъвогар АҚШ вакили Марти Якубовский рингта чиқадиган бўлиб қолди. Шу сабаб мусобақа муддати ҳам ўзгарди.

— Жанг қандай ўтди, рақибингиз ҳақида нима дея оласиз?

— 12 раунд курашишга тўғри келди. Унинг бўйи мендан 6 см. баланд эди. Тажрибаси ҳам жуда катта. Шу пайттача профессионал рингда 98 учрашув ўтказиб, ундан 96 тасида голиб чиққан. Энди солиштириб кўринг, мен бор-йўғи 21-учрашувни ўтказаётгандим. Мусобақа олдидан мен видеотасмада унинг жангларини кўриб чиқдим. Сўнгра мураббийларим билан биргаликда тактик усулни танладик. Биз билардикки, у узоқ масофадан туриб жанг қилса, ташаббусни ўз қўлига олиши мумкин. Шунинг учун мен яқин масофадан ҳужумкорлик билан ҳаракат қилишим зарур эди. Шундай ҳам қилдим. У кўпроқ чекиниб, қарши ҳужумларга ўтиб турди. Кураш анча оғир кечди.

— Қандай ҳисоб билан ғалаба қозондингиз?

— 119:106 ҳисобида. Шуни ҳам айтишим керакки, Марти ўз вазн тоифасида профессионал боксчилар ўртасида бешинчи рақамга эга.

— Яна бир саволга аниқлик киритсак, айрим мутахассислар профессионал боксда уч марта жаҳон чемпиони бўлганлар олтин белбоғни ўзида доимий сақлаб қолади дейишмоқда. Айримлар эса тўрт ғалабадан сўнг дейишмоқда...

— Профессионал боксда чемпион ўз унвонини кетма-кет уч марта ҳимоя этгач, олтин белбоғни ўзида доимий сақлаб қолиш ҳуқуқига эга бўлади. Мен ҳозирча икки марта бунга эришдим. Навбатдаги учинчи жангни 1997 йилнинг февраль ойида эски даъвогар Англия чемпиони Майкл Айэрсс билан ўтказишим мўлжалланмоқда.

— Тошкентга қачон қайтасиз?

— Бир ҳафтадан сўнг.

— Газетамиз орқали ҳамюртларимга қандай тилаклар билдиришни истардингиз?

— Узоқда бўлишса-да, улар ҳаёлан мен билан бирга эканликларини, ҳаяжон билан бу учрашув натижасини кутаётганликларини яхши билардим. Ўтган гал Тошкентга борганимда катта-ю кичик мени ҳар бир қадамда қувонч билан кутиб олди. Германияга қайтаётганимда оқ йўл тилаб, кузатишди. Айниқса, Президентимизнинг менга йўллаган табриклари, айтган ҳар бир сўзлари зиммамга катта масъулият юклаган эди. Биласизми, ҳар гал рингта чиқаётганимда юртимиз байроғини кўзимга суртаман. Байроғимизни кўрганда кучимга-куч қўшилгандек бўлади. Ана шу байроқ тимсолида залда бутун Ўзбекистон, ҳамюртларимиз мени қўллаб тургандек бўлишади.

Спорт

Пойтахт спортчилари ғалабаси

Самарқанд шаҳридаги вилоят спорт қўмитасининг олимпия ўринбосарлари болалар-ўсмирлар спорт мактаби комплексида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасида Каттақўрғон шаҳридаги «Ҳунарманд» лицейи ҳамда Тошкент авиация техника лицейининг «Авиасоз» командаси аъзолари ўзаро беллашишди.

Қизғин курашлар остида ўтган мусобақада гоҳ у команда, гоҳ бу команда аъзолари олдинга чиқиб олишди. Мусобақанинг сўнгги беллашувлари, айниқса эстафета мусобақаларида тошкентликларнинг чапдастликлари уларнинг олдинга чиқиб олишларига имкон берди. Умумий ҳисобда пойтахт спортчилари 20:17 ҳисобида ғалаба қозонишди. Учрашув қатнашчиларига Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят спорт қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Халқаро учрашув

Белоруссия Республикаси Могилев вилоятининг Бобруйск шаҳридаги 1-мактаб ўқувчилари билан Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги 17-ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида «Сизни спортландия чорлайди» телевизион мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. И. Бекмуродов, Иштихон тумани ҳокими, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати С. Муродов, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаровлар сўзга чиқиб, ҳар икки мактаб ўқувчиларининг дўстлик алоқалари тўғрисида илиқ сўзларни айтишди..

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бу беллашув қизғин курашлар остида ўтди. Иштихонлик спортчилар 17:16 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шу йилнинг сентябрь ойида Бобруйск шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда дуранг натижа қайд этилган эди.

Мусобақа ғолибларига ва меҳмонларга Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят спорт қўмитаси, «Меҳнат резервлари» КСЖ вилоят кенгаши ҳамда Иштихон туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Белоруссиялик меҳмонлар Самарқанд шаҳри тарихий обидалари, Бухоро ва Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди, музейларда бўлишди.

Мухбиримиз.

Хуллас...

БАНАНФУРУШЛАР БАЙРАМИ

Японларга бананхўрлик «касали» текканидан бери бананфурушларнинг ошиғи олчи бўлиб қолди. Бунга япон олимлари жамиятининг «бананлар нафақат ракнинг олдини олади, балки, уни даволайди», деган мурожаати сабаб бўлди. Бананнинг одам организми учун фойдали эканлиги аввалдан маълум эди. Бироқ унинг таркибида одамнинг иммун системасини мустаҳкамлайдиган экзималар бўлиб, бу ракка қарши яхши дори ҳисобланаркан. Тўғри, ҳозирча бу фақат оқ сичқонларда синалган. 10 та рак билан касалланган сичқоннинг 7 таси банан соки билан бу бедаво дарддан бутунлай қутулгани аниқланган. Одам бошқача-да, деган кишиларга япон олимлари телевидение орқали барибир бананни истеъмол қилиш фойдали, деган фикрни айтишди. Алқисса, бананфурушларда ҳар куни байрам бўляпти.

ДАҲШАТЛИ ҲИСОБЛАР

Россия «детдом»ларидан ҳар йили беш минг нафар атрофида бола мустақил ҳаётга қадам қўяди. Уларга яшаш учун жой ҳам ажратилар экан. Лекин уларнинг 20 фоизи жиноий иш натижасида панжара ортига тушар, ҳар ўндан бири эса ўзига-ўзи суицасд натижасида ҳаётига нуқта қўяркан. Бу далиллар ҳукуматнинг «Россияда болалар аҳволи» докладидан олинган. Энг даҳшатлиси охир-оқибат уларнинг 60 фоизини жамият йўқотаркан, аниқроғи, улар жамиятга хавф сола бошларкан.

ОДАМ ГЕНОФОНДИ САҚЛОВХОНАЛАРИ

Татаристоннинг пойтахти Уфада олимлар компьютер орқали ҳозирги одамзотнинг биринчи вакилларининг сиймосини яратдилар. Бу тадқиқот бошлиғи, профессор Э. Мулдашевнинг айтишича, улар ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, тибет тоғларидаги ғорларда яшашар экан. У жойни одам генофонди сақловхоналари деб юритиляпти. Уларни кўриш ҳеч кимга насиб этмас экан. Олимнинг иқрорича у ўша «одам оёғи етмас» ғорларнинг бирида бўлган. Лекин у ерда нималарни кўрганлигини айтиш «мумкин эмас» демоқда. У худонинг танҳо эканлигини, пайғамбарларни инкор қилмаяпти.

ана шунақа гаплар.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги ошпазлик ҳунар билим юрти томонидан 1984 йил Шоюсупов Улуғбек Ғуломович номига берилган № 024173 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат» газетаси жамоаси «Халқ таълими» журналининг собиқ бош муҳаррири

Мажид САМАДОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба қўмитаси педагогика ва ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири М. Абдусаматовга акаси

Мажид САМАДОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ таълими вазирлигининг режа ва молия, ҳисоб ва ҳисобот бошқармалари, Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси режа ва молия бўлими бошлиғи

Усмон ШАПАТОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Чилонзор туман халқ таълими бўлими 173-мактаб директори Г. А. Зияевага турмуш ўртоғи

Бахтиёр ЗИЯЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А. Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг қуйидаги кафедралар мудирлиги лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда доктор, профессор, фан номзоди, доцентлар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

1. Фалсафа ва ҳуқуқий билимлар асоси кафедраси.
2. Ўзбекистон тарихи кафедраси.
3. Иқтисод назарияси кафедраси.
4. Психология кафедраси.
5. Педагогика кафедраси.
6. Чет тиллари кафедраси.
7. Информатика ва ХТ кафедраси.
8. Рус тили, уни ўқитиш услуби ва умумий тилшунослик кафедраси.
9. Рус адабиёти, уни ўқитиш услуби ва хорижий адабиёт кафедраси.
10. Меҳнат ва физика ўқитиш услуби кафедраси.
11. Меҳнат таълими кафедраси.
12. Бошланғич таълим услуби кафедраси.
13. Мусиқа ва ашула кафедраси.
14. Табиатшунослик асослари кафедраси.
15. Тиббиёт асослари кафедраси.
16. Ўзбек тили кафедраси.
17. Умумий биология кафедраси.
18. Рус тили кафедраси.
19. Инглиз тили кафедраси.
20. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси.
21. Жисмоний тарбия назарияси асослари кафедраси.
22. Умумий техника фанлари кафедраси.

Танлов учун ҳужжатлар институт кадрлар бўлимида эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

РЕКТОРАТ.





Маълумки, республика ҳукумати томонидан спортга, айниқса унинг футбол ҳамда теннис турига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Юнусобод теннис кортида Юнусобод ҳокими соврини учун ўтказилган теннис бўйича мусобақаларда катталар билан бир қаторда мактаб ўқувчилари ҳам баҳоли қудрат иштирок этиб, ўзларининг теннисга бўлган чексиз муҳаббатларини жуда чиройли намойиш эта олишди.

Р. ҒАЛИЕВ олган суратлар.

Обуна-97

«ҲАР САҲИФАСИНИ АВАЙЛАБ, САҚЛАБ КЕЛАМАН»

«Маърифат» газетаси менинг севимли нашрим. Биз таълим-тарбиянинг бирон соҳасида қийналсак, «Маърифат» мушкулимизни осон қилади. Шу сабабдан йигирма йилдирки, унга доим обуна бўламан. Унинг ҳар бир саҳифасини авайлаб, сақлаб келаман.

Газета, айниқса, Ўзбекистон мустақиллиқни қўлга киритган даврдан бошлаб, кенг кўламда дадил майдонга чиқди. Ундаги рукнлар ранг-баранг. «Ибрат», «Даъват», «Илғор тажриба майдони», «Иқтисод сабоқлари» каби ўнлаб рукнлар пайдо бўлдики, бу бизни енг шимариб дадил, ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

«Маърифат»га обуна бўлмаган муаллим зиё манбаидан айрилиб қолади, деб биламан. Шу боис барча ҳамкасбларимни «Маърифат»га обуна бўлишга ундайман.

С. ОСТОНОВ,
Қамаши туманидаги 74-мактабнинг олий тоифали методист ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

Бокс

УСТУН ҲАМ ЕРДАН БОШЛАНАДИ

Навбатдаги учрашувда икки улкан чарм қўлқоп соҳиблари Майкл Тайсон ва Эвандор Хилифилд рингга чиқдилар.

Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган учрашувнинг 11 — раунди тугашига 37 секунд қолганида сиз ва бизга яхши таниш бўлган Майклбой ўз рақибининг кучли зарбаларига дош беролмай, ерга суяниб қолди. Бу мағлубиятдан кейин Майкл Тайсон дунёнинг энг кучли боксчиси деган номдан маҳрум бўлди.

Дунёга ҳеч ким устун бўлолмаслигига мана, яна бир мисол.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Олимжон ҲАЙИТ, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.